Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши
№ 6 (12.962).
9 ЯНВАРЬ 1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

1965 ЙИЛ ОДИМЛАРИ

ТАСС хабарлари

⊙ ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ОЛТИ ЙИЛИ ИЧИДА КУЙБИШЕВ ОБЛАСТИДА ХИМИЯ ВА НЕФТЕХИМИЯ САНОАТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 4,2 БАРАВАР КЎПАЙДИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ СЎНГГИ ЙИЛИДА ЯНА 26 ПРОЦЕНТ ОРТАДИ.

⊙ Соколов-Сарбай руда саралаш комбинати календарь графикдан ташқари Уралга уч минг тонна оғирликдаги товар руданинг учинчи эшелонини жўнатди.

⊙ *УССУРИЙСКДА (ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИ) УЗОҚ ШАРҚДА ЭНГ ЙИРИК ОҲАК КОМБИНАТИ ҚУРИЛМОҚДА. ЙИЛИГА 500 МИНГ ТОННА ОҲАК ТОШ БЕРАДИГАН КАРЬЕР ТАХТ БЎЛДИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРПУСЛАРИ ҚАД КЎТАРДИ. ИШЧИЛАР ПОСЕЛКАСИДА БИНОЛАР ҚУРИЛМОҚДА.*

⊙ **Иникчан (Якутия АССР) конига қарашли корхоналарнинг коллективлари ўтган йили пландан ташқари тўрт процент олтин берди. Ана шу корхонанинг олтин қидирувчилари бу йил қимматли металл чиқаришни чорак баравар кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.**

ПАРТИЯ ТУРМУШИ ЧУҚУРРОҚ ВА ЁРҚИН ЁРИТИЛСИН

ПРАВДА

Яратувчилик ишлари кенгайиб борган сари, коммунистик қурилиш жараёнида ҳал қилинаётган вазифалар мураккаблашиб борган сари партиянинг ғоявий қуроли, жанговар коллектив ташкилотчи, пропагандист ва агитатори бўлган матбуотнинг роли ва аҳамияти ҳам кучаяверади.

Бизнинг газеталаримиз ЙПСС XX, XXI ва XXII съездларининг қарорларини, партия Программаси ва Уставини амалга ошириш учун курашда партия ташкилотларига актив ёрдамлашишлари, коммунизм қурилишининг ҳамма участкаларида партия раҳбарлигини янада яхшилашга ёрдамлашишлари, партия ва давлат турмушининг ленинча нормаларига қаттиқ риоя қилиннишига эришишлари лозим. Газеталар ишни пухта ва муайян мақсадни кўзлаб ташкил этсалар, партия комитетлари билан бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар, авторлар активи билан кенг ва мустаҳкам алоқа боғлаб ишласалар, шундагина, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажарадилар.

Партия турмуши масалаларини, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеологик ишларини матбуотда чуқур ва ёрқин ёритиш биринчи даражали аҳамият касб қилмоқда.

Кўпгина газеталарда партия тематикасига эътибор кейинги вақтларда бўшаштириб юборилди, бир қанча редакцияларда партия турмуши бўлимлари ҳатто тугатиб юборилди. Бунга партия раҳбар органлари ишлаб чиқариш принципига қурилганлигини баҳона қилдилар. Партия ташкилотлари саноат ташкилотларига ва қишлоқ ташкилотларига бўлинган областлар ва ўлкаларда битта область, битта ўлка партия ташкилотлари тузилган ҳозирги вақтда эса газеталарда етакчи, асосий бўлим бўлган партия турмуши бўлимларининг аҳамияти кескин равишда ошириллиши лозим.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, ўз ишларини муайян мақсадга қаратиб, тобора яхшироқ ташкил этмоқдалар, бу ишларнинг форма ва методларини такомиллаштирмоқдалар. Улар мамлакатдаги ва партиядаги ишларнинг аҳволи учун ҳар бир коммунистнинг масъулият ҳисси энг кўп даражада ривожланишига, ўртоқларча танқид ва ўз-ўзини танқид бутун қоралар билан қўллаб-қувватланишига, партия ишининг ленинча принципларини ҳар қандай бузишга нисбатан муросасиз бўлиш ҳисси тарбияланишига имкон берадиган вазият вужудга келтиришга интилмоқдалар. Партия турмушидаги бу диққатга сазовор ҳодисалар газеталаримизнинг саҳифаларида тобора чуқур акс эттирила бориши лозим. Газеталар партия органларининг, бошланғич ташкилотларнинг кўп қиррали турмушини ёритиб, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда коммунистларнинг авангардлик ролини, партия ташкилотларининг меҳнаткашлар билан мустаҳкамланиб бораётган алоқаларини кўрсатиб беришлари, оммага сиёсий раҳбарлик қилишдаги ижобий тажрибалар тўғрисида, одамлар билан ишлаш тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари лозим.

Газета партия ташкилотларида қилинаётган ишларни протокол тариқасида тасвирлаб бериш билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Газета фактларни синчиклаб ўрганиши, анализ қилиши, умумлаштириб бериши, газетхонларнинг эътиборини ҳал қилинмаган вазифаларга тортиши, бу вазифаларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатиши лозим. Барча матбуот ходимларининг бурчи шуки, улар партиявий темада ёзилган материалларнинг мазмундор, ўткир, мароқли бўлиши тўғрисида тинмай жон куйдириш керак. Партия турмуши бўлимининг тематикаси йиғилишлар ва мажлисларни ёритиб бериш билан, сиёсий маориф системасидаги машғулотлар тўғрисида ахборот берувчи материалларни эълон қилиш билан чекланиб қолган бўлим, деган ва баъзи газеталарда давом қилиб келаётган тор тасаввурдан воз кечиш пайти келди. Кейинги вақтларнинг тажрибаси бундай тасаввурнинг нотўғрилигини кўрсатиб турибди. Партия турмуши бўлимига нотўғри назар билан қараш-дан воз кечган редакцияларда партия турмушини ёритишда, партия ташкилотларининг ишига газетанинг таъсирини оширишда сезиларли бурилиш вужудга келди.

«Уральский рабочий» (Свердловский), «Молот» (Ростов-Дон) газеталари ва бошқа баъзи газеталарда партия турмуши янги шароитни ва талабни ҳисобга олиб, ижодий равишда ёритилаётганлигини кўрсатувчи мисолларни тспиш мумкин. Шу газеталарнинг саҳифаларида хўжалик қурилишига партия раҳбарлигининг тажрибасини, партия ташкилотларининг идеология ишларини, партия комитетларининг раҳбарлик фаолиятидаги услуб ва методларини умумлаштириб берувчи мароқли ва хилма-хил материаллар мунтазам равишда босилмоқда. Газеталар партия ишининг ўткир, ҳаммани қизиқтирувчи масалаларини тез-тез кўтариб чиқмоқдалар, коммунистларнинг хатларини систематик равишда эълон қилмоқдалар. Партия ишининг услуби, формаси ва методлари замонамизнинг ижодий руҳига жавоб берадиган бўлсин, деб жон куйдириб ёзилган бу хатлар одатда кенг кўпчиликни қизиқтирмоқда. Газетхонлар бундай материалларни ўқиб, беparво қолмаётирлар, бу материаллар газетхоннинг фикрини қўзғатади, ҳар бир кишини ўз партия ташкилотининг тажрибаси ва кундалик иши тўғрисида ўйлашга мажбур қилади.

Мазмун жиҳатдан қизиқарли ва жанр жиҳатдан хилма-хил бўлган материалларни — хатлар ва корреспонденцияларни, мақолалар ва хабарларни, очерклар ва ҳикояларни одатда газеталар «Партия турмуши» деган рубрика остида босиб чиқармоқдалар. Бу традицион рубрика бўлса ҳам, аммо мазмуни янги. Коммунистлар активлигини кучайтириш ва уларнинг олижаноб коммунистик идеалларни рўёбга чиқаришдаги масъулиятини ошириш лозим бўлган, ҳамиша ва ҳамма ишда партия принципларига, партиянинг юксак мақсадларига тўла мувофиқ равишда ҳаракат қилишдек, ички узвий эҳтиёжни коммунистларда тарбиялаб вояга етказишга кўмаклашиш лозим бўлган партия ички демократиясини ривожлантириш тўғрисидаги материалларни ҳозир газеталарда тез-тез учратмоқдамиз. Партия раҳбарининг қиёфаси тўғрисида, коммунистик тарбия методлари ҳақидаги, партия ишининг энг хилма-хил жиҳатлари ҳақидаги материаллар газеталарда кўпроқ босилдиган бўлиб қолди.

Москва областининг «Ленинское знамя» газетасида, Куйбишев областининг «Волжская коммуна» газетасида ва бошқа газеталарда бошланғич партия ташкилотларига бағишланган махсус саҳифалар пайдо бўлди. Газеталар бошланғич ташкилотларнинг ролини, уларнинг хўжалик планларини бажаришдаги масъулиятини янада оширишга, коммунистларнинг ўз меҳнат коллективларидаги ғоявий ишлар учун бўлган масъулиятини оширишга ёрдамлашмоқдалар.

Партия ташкилотларининг кўп қиррали турмушини чуқур ёритмаётган матбуот органлари, афсуски, ҳали ҳам бор. Смоленск областининг «Рабочий путь» газетаси бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини юзаки ва схематик тарзда ёритмоқда. Цехларда ва қурилишларда, далалар ва фермаларда коммунистларнинг ижодий ишини кўрсатувчи жонли мисолларни бу газета саҳифаларидан қидириб топиб бўлмайди. Партиявий иш тўғрисида қуруқ ва зериктирарли гаплар ёзилмоқда. Газета бошланғич партия ташкилотларининг ишидаги камчиликларга тобора кўпроқ аҳамиятни беради-ю, аммо уларнинг ишидаги рағбатлантиришга ва қўллаб-қувватланишга арзийдиган ижобий тажрибаларни кўрмайди.

Омма орасида ва омма билан ишлаётган, жонли турмуш ичида қайнаб ишлаётган ходимлар орасида ўз тажрибасини тасвирлаб бериш билан шуғулланувчи кишилар мумкин қадар кўпроқ бўлсин, деб В. И. Ленин истак билдирганлиги маълум. Партия ташкилотларининг турмушини яратувчиларнинг ўзлари — партия ходимлари, пропагандистлар, агитаторлар, оддий коммунистларнинг иштирокисиз партия ташкилотларининг турмушини қандай қилиб ёритиб бериш мумкин? Агар редакция ходимлари авторлар билан ишлашни, улар билан «овора бўлишни», уларни газетада актив қатнаштиришни истамасалар, бу нарса газетанинг мазмунига ёмон таъсир қилади. Кўпгина газеталарнинг тажрибаси партия активларининг, коммунистлар кенг доирасининг газетага мақолалар ёзиб туриши натижасидасина газеталарнинг тематикаси ва мазмуни бойиб бораётганлигини, бу нарса газеталарнинг саҳифаларини тагин ҳам жонли ва муайян мақсадни акс эттирувчи саҳифаларга айланираётганлигини кўрсатиб турибди.

Газеталарнинг редакциялари, уларнинг партия турмуши бўлимлари партия ишининг туб масалаларига кўпроқ эътибор беришлари, партия ташкилотларининг хўжаликка қилаётган раҳбарлиги тўғрисида, партия турмушининг ленинча нормалари, коллектив раҳбарлик принципларини асосида олиб борилаётган партиявий-ташкилий иш тўғрисида, идеология ишининг практикаси ҳақида ишнинг кўзини билиб ёзишлари лозим.

Матбуотнинг вазифаси шуки, у бошланғич партия ташкилотларининг ишларини юксалтиришга бутун чоралар билан кўмаклашуви, коммунистларнинг активлигини ва ташаббускорлигини ошириши зарур.

Партия комитетлари ўзларининг матбуот органлари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, коммунистик қурилишда партиянинг ва партия маҳаллий органларининг раҳбарлик ролини кучайтирмоқ, ҳар бир область, ўлка, республиканинг хўжалик ва маданий ривожланиши вазифаларини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун матбуотнинг жуда катта ижтимоий кучидан тўла равишда фойдаланишлари мутлақо шарт.

Баъзи шаҳар, область ва ўлка партия комитетлари газеталар редакцияларининг ҳисоботларини эшитмаётганликлари, уларнинг планлари билан қизиқмаётганликлари сингари аҳволга индамай қараб туриш мумкинми? Матбуотнинг танқидий чиқишларини партия комитетлари қувватламаётганлигини, принципиал танқидни ривожлантиришга ёрдам бермаётганлигини кўрсатувчи ҳоллар содир бўлаётганлиги маълум. Матбуот органига эътибор бермаслик эса, баъзан шунга олиб келадики, бунинг натижасида газета ўз қиёфасини йўқотиб, мазмунсиз бўлиб қолади, партия ташкилоти олдида турган вазифаларни тўла равишда акс эттирмайди ва ёритмайди. Газетани қўллаб-қувватлаш, газета тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир партия комитетининг омма билан алоқаларини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашига, бутун партиявий иш савиясини оширишга ёрдам беради.

(8 январдаги бош мақола).

ФОТОЛАВҲАЛАР

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНАНИНГ ЮЗ-КЎЗИ

Москва ва Ленинград корхоналари меҳнаткашларининг ташаббуси Ўзбекистон саноати ишчи ва инженер-техник ходимларини ҳам маҳсулот сифатини кўтариш учун зўр бериб курашишга чорламоқда. Индустриямиз ходимлари ибратли ташаббусни дилдан қўллаб-қувватлаб, корхона шонш-шавкати учун жон куйдириб ишламоқдалар. Биринчи суратда Тошкентдаги иккинчи пойафзал фабрикасида ҳалол меҳнати билан донг таратган ишчиладан Х. Абдуллаева, А. Герасимович, В. Корниенко, М. Маҳкамова ўртоқларни кўриб турибсиз. Иккинчи суратда: пишиқ ва бежирим пойафзал тайёрлашда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган чевар ишчи Қумри Муслимова. У ҳам иккинчи пойафзал фабрикасининг эркаклар оёқ кийими тайёрловчи цехида ишлайди. Учинчи суратда эса Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг кекса ишчиси Мастура Йўлдошева. У смена топшириқларини муттасил ошириб бажарялти. Тўртинчи суратга бир назар ташланг. Бу кишилар Тўйтепадаги (Тошкент области) янги металл конструкциялари заводининг азамат ишчиларидир. Улар янги завод шиҳратини бутун республикага ёйиш ниятида маҳсулот сифатини кўтариш учун ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Маҳсулот сифати — корхонанинг юз-кўзи, ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ходим меҳнатининг ўлчовидир. Маҳсулот сифатини кўтариш учун умумхалқ курашини авж олдирайлик!

И. Глауберзон фотолари.

УЛКАН ИНШООТ

Хоразм гидромеханизаторлари Амударёнинг сертош соҳилида республикалараро Тошсоқ каналининг иккинчи бош иншооти учун жуда катта котлован қазиб қўйдилар. Хоразм қурилишмонтаж бошқармасининг гидроиншоот қурувчилари узунлиги чорак километр ва эни 45 метр келадиган мана шу ўн иккинчи метр чуқурликдаги котлованнинг тагига пўлат арматура ўрнатиб, орасига бетон қуя бошладилар.

Бетон қишининг оғир об-ҳаво шароитида қуйилмоқда. Бу масъулиятли иш коммунист Ражаб Аҳмедов ва Эгам Авезовлар бошлиқ бригадаларнинг энг тажрибали бетончиларига топширилди. Улар Амударё этакларида бундай мустаҳкам гидротехника иншоотларидан бир нечтасини барпо этишган.

Гидроиншоот қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар иншоотни биринчи февралгача битказиб, қурилиш муддатларини лойиҳада belгиланганига нисбатан олти баравар қисқартиришга қарор қилдилар. Гидротехника гигантига 180 тонна пўлат конструкция ва 6.500 куб метр бетон ётқизилиши керак. Бетон каскадининг эстакадаси ҳар суткада котлованга олти юз куб метргача бетон узатиб беришга мўлжалланган. Амударё этакларида гидроузел қурилиши ҳали шу чоққача бундай сўръатлар ва миқёсларда олиб борилмаган эди.

Янги иншоот дарё суви, ҳатто энг кам бўлган пайтларда Хоразм воҳасига бир кеча-кундузда етти миллион куб метр, сув кўп бўлган пайтларда эса 25 миллион куб метргача қўшимча сув бериб туришга мўлжалланган.

Сўнгги соатда

● *Тожикистон санъат усталаридан 400 дан кўпроқ киши 7 январда Москвага жўнаб кетди. Улар Кремль саҳнасида катта байрам концертини кўрсатишади. Бу концерт Совет Шарқи республикаларининг 40 йиллиги шарафига Ўрта Осиё артистлари бераётган концертларнинг давоми бўлади.*

● **Совет фильми «Гамлет» Англия кинематография институтининг ҳар йилги мукофоти билан тақдирланди. Институт директори С. Рид мукофотни фильмда асосий ролларни ижро этган совет кино артистлари И. Смоктуновский билан Е. Радзинга топширди. Бу кино артистлари Лондонга премьерага келган эдилар. Рид мукофотни топшириш вақтида совет «Гамлет» фильмининг «олижаноблиги ва ажойиблигини» таъкидлаб ўтди.**

● ПЎЛАТ ЭРИТУВЧИЛАР ЭРТАЛАБКИ СМЕНАГА КЕЛАР ЭКАНЛАР, ЦЕХ ОШХОНАСИДАГИ ОШПАЗЛАР УЛАРГА ИССИҚ НОНУШТА ТАЙЁРЛАЙ БОШЛАЙДИ. КОММУНАРСК МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ МАРТЕНЧИЛАРИ УЧУН ИССИҚ ОВҚАТ МАХСУС ИДИШЛАРДА ТЎППА-ТЎҒРИ ИШ ЖОЙИГА ОЛИБ КЕЛИНАДИ.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ БУНДАЙ ФОРМАСИ ПЎЛАТ ЭРИТУВЧИЛАРГА МАҚБУЛ БЎЛДИ.

● Нальчикдаги «Эльбрус» номли янги шифохона дам олувчиларнинг дастлабки катта бир группасини қабул қилди.

Янги йилда «Нальчик» курортининг бошқа санаторийларига ҳам дам олувчилар кела бошлади. Бу йил «Нальчик» курортининг шифохоналарида 60 мингдан кўпроқ киши дам олади ва даволанади.

● **Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа Совет комитетининг раиси ўзбек танқидчиси Сарвар Азимов бошчилигидаги Совет адиблари делегацияси Японияга келди. Делегацияни янги япон адабиёти жамияти ва Япония адабиёти ва санъати арбоблари уюшмаси таклиф қилган эди. Делегация Японияда уч ҳафтага яқин бўлади. Делегация аъзолари япон ёзувчилари билан учрашадилар ҳамда ҳозирги замон адабиёти ва келгусида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр олишадилар. (ТАСС).**

ПОЙАФЗАЛ СИФАТИ БИЛАН АФЗАЛ

Бизнинг корхонамиз моделли пойафзаллар тайёрлайди. Ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан фабрикамиз республикада ягона деса бўлади.

Мана, етти йилликка якун ясалаётган йил ҳам бошланди. Янги йилимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири биз учун аҳолига кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб беришдир. Ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимнинг бутун эътибори шунга қаратилган. Кўпгина ташкилий ва техникавий тадбирларни амалга ошердик. Кейинги 6 йилда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, пойафзал тайёрлаш жараёнларини механизациялаш, конвейерлаш, янги машиналарни жорий қилиш йўли билан биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтиришга муваффақ бўлдик.

Корхонамизнинг ҳар бир ишчиси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга интилиб қувончли натижаларга эришяпти. Мана, бир-икки рақамни таққослаб кўрайлик. Агар 1958 йилда тайёрланган пойафзалларнинг 75,2 процени биринчи сортга қабул қилинган бўлса, 1964 йилда ишлаб чиқарилган биринчи сортли маҳсулот 84,2 процентни ташкил қилди. Шу давр ичида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 34 процент кўпайди.

Корхона коллективининг юз-кўзи, шон-шуҳрати, аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори тайёрлаган маҳсулотининг қанчалик чиройлилиги, чидамлилиги, сифатлилигига қараб белгиланади. Ана шу нуқтаи назардан фабрикамиз коллективи амалга оширган ва етти йилликнинг охирги йилида бажаришни кўзлаб турган тадбирлар тўғрисида тўхталиб ўтишни истардим. Саратов машинасозлари ажойиб ташаббус бошлаган эдилар. 1963 йилнинг охирида мамлакат бўйлаб қанот ёзган бу ҳаракатнинг моҳияти ишчининг ўзига нисбатан талабчанликни ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва шундай қилиб техника контролига биринчи кўрсатишдаёқ тайёрлаган маҳсулотини маъқул қилишдан иборат. Бу эса халқ хўжалигимиз ва аҳоли учун етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нуқул юқори сифатли тайёрланишига олиб борадиган энг яхши йўлдир.

Саратов машинасозлари тажрибаси бизнинг корхонамизда ўтган йил февраль ойидан бошлаб жорий қилинди. Дастлаб бир цехда синаб кўрдик. Натижа яхши бўлиб чиқди. Сентябрь ойига келиб бутун корхонадаги 75 процент ишчи тайёрлаган маҳсулотини техника контроли бўлимига биринчи кўрсатишдаёқ манзур қила бошлади. Шундан кейин бу ибратли ҳаракатни бошқа цехларда ҳам жорий эта бошладик. 1964 йил якунлари ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда, бу ҳаракатнинг нишоналари аён бўлиб қолди: Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 93-95 процени биринчи марта кўздан кечирилгандаёқ қабул қилина ётган экан.

Илгари ишчи пойафзални ўзи билганича тайёрлаб мастерга ё технологга кўрсатар, техника контроли бўлимига келганда эса қилинган ишнинг камчиликлари аниқланиб, анчагина пойафзал қайта тайёрлашга жўнатиларди. Саратовликларнинг тажрибасига амал қилиш ноўрин сарф-харажатлар, зое кетадиган ва бефойда меҳнатга чек қўймоқда. 1964 йил декабрь ойи якунларига қараб баҳо бериладиган бўлса, биринчи сортли пойафзал ишлаб чиқариш пландагидан қарийб 2 процент ортганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Эски машина-ускуналар бежирим пойафзал ишлаб чиқаришга мос келмаяпти. Шу сабабдан фабрикадаги айрим машина-ускуналарни алмаштириш, цехларни реконструкция қилишга тўғри келди. 7- цехда конвейер ўрнатилди. Бу эса маҳсулот сифатини ошириш билан бирга катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Шундай тадбирлар бошқа цехларда ҳам амалга оширилди. Такомиллашган ва янги машина-ускуналардан фойдаланиш аҳолининг талабига мос замонавий модадаги ва бежирим пойафзаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта ёрдам бермоқда. Ўтган йилнинг 4- кварталида қишки мавсумга мосланган иссиқ, енгил пойафзал ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Шундай пойафзаллардан 23 минг жуфти савдо тармоқларига жўнатилди.

Маҳсулотнинг сифатли чиқишини таъминлаш мақсадида мукофотлаш системасига ҳам баъзи ўзгартишлар киритдик. **Аввал поток линиядан чиққан маҳсулотларнинг ҳажми ҳамда сифатн умуман ҳисобга олинар ва ишчиларга ана шунга қараб ўртача ҳақ тўланарди.** Бу эса ишчининг резервлардан самарали фойдаланишига зарур имкониятлар очиб бермас эди. **Ҳозирги вақтда мукофотлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун ҳар бир ишчига алоҳида тўланяпти.**

Корхонада «Сифат куни» ташкил қилинганлиги яхши самаралар беряпти. 15 кунда бир марта цехлар бўйича маҳсулот сифати текшириб турилади. Бу текшириш ишларида технологлар билан бирга корхона раҳбарлари ҳам қатнашадилар. 5- ва 6- цехларда тайёрланган маҳсулотнинг сифати паст бўлганлиги учун айрим кишилар мукофотдан маҳрум этилди. Кейинги пайтларда эса ҳудди шу ишчиларнинг ўзи жуда кўплаб биринчи сортли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлмоқдалар.

Химия мўъжизаларидан пойафзал ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш мумкин. Пластмасса пошналардан фойдаланиш тобора кенгаймоқда. Енгил резинадан ясалган пошнали туфлилар айниқса кўпчиликка манзур бўлаётир. Резина пошнали туфлилардан 170 минг жуфти савдо тармоқларига жўнатилган эди. Улар сотилиб бўлганлигини эшитдик. Етти йилликнинг якунловчи йилида пластмасса материалларидан ясалган пошнали пойафзаллар ишлаб чиқаришни тагин ҳам кўпайтириш ҳаракатидамиз. Бу йил капрон пошнали пойафзаллар ишлаб чиқаришни яна ҳам кенгайтирамиз. Ўтган йили тайёрланган ана шундай пойафзаллар 1963 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайган бўлса, бу йил 2,5 баравар кўпайтирилади.

Химия мўъжизаларига биз, пойафзалчилар ҳам хуштор бўлиб қолдик. Синтетик толалардан ва пластмасса буюмлардан тагин ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Вироқ, республикамиз химия саноати ана шу эҳтиёжларимизга яраша ишламаяпти. **Тошкентдаги пластмасса буюмлари заводида юқори сифатли капрон пошналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Аммо корхона маъмурияти бизнинг ана шу ҳақдаги фикрларимизга ҳанузгача аниқ бир жавоб бермаяпти. Оқибатда капрон пошналарни РСФСР корхоналаридан кўп харажат сарфлаб ташиб келишга мажбур бўлмоқдамиз.** Тошкентда тайёрланган капрон пошналар оз бўлишидан ташқари, сифатсиз, формаси ноқулай, чидамсиз.

Бизнинг асосий хом ашёмиз чарм ҳисобланади. Самарқанддаги кўн заводи (директори Турдиев, бош инженери Ирисов ўртоқлар) бизга ҳамон сифатсиз чарм жўнатмоқда. Гап шундаки, улар тайёрлаган чарминнг юзидаги қаватлари тез кўчиб кетади. Ўтган йили улар юборган чармлардан қарийб 500 минг дециметрини қайтариб юборишга мажбур бўлдик. Лекин бундан самарқандлик кўнчи ўртоқлар тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар.

Фабрикамиз Киев шаҳридаги 6-пойафзал фабрикаси билан мусобақадош. Бу корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан Иттифоқда донг таратган. Биз улар билан беллашаётганимиздан ниҳоятда хурсандмиз. Бир-биримизнинг тажрибаларимизни ўрганамиз. Камчиликларимизни кўрсатиб, ўзаро ёрдамлашамиз.

Москва, Ленинград саноатчилари ишлаб чиқарилаётган ҳар бир буюмнинг техника даражаси, сифатини ошириш, пишиқ-пухта бўлишини таъминлаш ва унинг хизмат муддатини узайтириш юзасидан ажойиб ташаббус бошладилар. Бизнинг коллективимиз ҳам жаҳоннинг энг яхши стандартлари даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқарини учун мусобақа байроғини тагин ҳам баланд кўтаради.

Л. БЕРЕЗОВСКИЙ,
Тошкентдаги 2- пойафзал фабрикасининг бош инженери.

ХУШХАБАРЛАР

КОМБИНАТНИНГ ЯНГИ ЦЕХИ

● Тошкент тўқимачилик комбинатида янги ип фабрикасининг бир цехи фойдаланишга топширилди. Бу фабрика комбинатнинг учинчи навбат қурилишига тегишлидир. Шу кеча-кундузда цехда «КМ-83-Т» маркали ип пишитиш машиналаридан 30 таси бир меъёрда ишлаб турибди. Биринчи февралгача шундай машиналардан яна 34 таси созланади ва ишга туширилади.

Бундан ташқари цехда Орехово-Зуева тўқимачилик машинасозлиги заводидан келтирилган юқори тезликда ишлайдиган «ТВ-150» маркали 4 та ип эшиш, Волжск Халқ хўжалиги кенгашидан олинган 7 та калавалаш машинаси ҳам созлаб қўйилди. Янги ип фабриканинг дастлабки цехи коллективи ҳозиргача бир неча ўн тонна маҳсулот ишлаб чиқарди. Фабрика тўла ишга туширилиши билан ҳар йили 346 миллион галтак аъло сифатли хилмахил иплар ишлаб чиқарила бошланади.

А. ВАЛИЕВ.

КУЙИМОЗОР НАСОС СТАНЦИЯСИ ТАЙЁР

● Аму—Бухоро канали қурувчилари Қуйимозор насос станциясида бинокорлик ишларини муддатидан илгари тугалладилар. Куни кеча биринчи насос станцияси синовдан ўтказилиб, фойдаланишга топширилди. Станция ҳадемай қўриқ ерларга сув чиқариб бера бошлайди. Шунингдек, Амударё сувини 48 метр баландликка кўтариб берадиган Ҳамза насос станциясида ҳам сўнгги тайёргарлик ишлари бажарилмоқда.

АММИАК ЦЕХИ СИНОВДАН ЎТДИ

● Илгари хабар берганимиздек, Навоий химия комбинатида янги йил арафасида бир қатор цехлар — ҳавони парчалаш, кучсиз азот кислотаси, аммиак селитраси цехлари ишга туширилган эди. Қурувчи ва монтажчилар янги йилда яна бир ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Аммиак цехидаги ускуналар сўнгги марта синовдан ўтказилди. Шу билан гигант химия корхонасининг биринчи навбатидаги комплекс цехлар қуриб битказилди.

ЧАШМАЛАР

МЕҲНАТИНГ—ЗЕБУ ЗИЙНАТИНГ

Оппоқ қор устидан «ЗИЛ-157» машинаси ўрмалаб бораётир. Жўлан ҳамон чўлга боқади. У ер-бу ерда йилтираб кўринган нарсаларга нигоҳ ташлайди. Шоферга имо қилади. Машинадан тушиб харитага аллақандай белгилар қўяди. Машина чўл сатҳида чумолидек яна ўрмалаб кетади. Ҳар кун аҳвол шу. Жўлан чўл кезади. Гоҳ пиёда, гоҳ машинада. Тўрт томон бий дала. На уй, на дарахт кўзга ташланади.

— Яхши-ям шу вишкалар бор экан, бўмаса компас билан харита ҳам иш бермай қолади баъзан,— дейди шофер ва машинани ғарб томонга буради.

— Вишкани кўриб қолдингизми дейман-а?

— Ҳа-да, ўшани кўриб гапиряпман. Сал нариоқдагиси бизники бўлади. Бугун Иван Заводовский навбатчилик қилаётган бўлса керак.

— Ўзиям 1964 йил июлидан бери шу йил ҳисобига ишлаяпти,—дейди Жўлан. — Ажойиб киши, на иссиқдан ҳайиқади, на совуқдан.

— Бугун саҳрода 27 градус совуқ. Кўрасиз шу бугун ҳам икки станокда ишлаётгандир. — Ҳайдар гидрогеологнинг сўзларини маъқуллайди, — Бекорга уни «тўрт қўлли мастер» дейишмайди. Бир томонда «УРБ-2А», иккинчи ёқда «УРБ-3А» патирлаб ишлаб туради. Икковига ҳам улгуради. Икки норма бажармаса кўнгли жойига тушмайди.

— Ҳа, — дейди Жўлан, — ажойиб кишиларимиз бор. Фақат шундай кишиларнинг билак қучи ва матонати билан иншик чўл чекинади. Қаранг, бўроннинг кучини, машинани ағдарай дейди, ишлаш осонми ҳозир. — Сўнг у жим бўлиб, алланималар ҳақида ўйлаб кетади. Балки, қадрдон қишлоғи, киндик қони томган Паркент бирма-бир кўз олдидан ўтаётгандир. Чўлга қиёс қилиб бўлармиди у жойни. Нега бўлмаса у чўл кезяпти?

— Кўпдан бери ишлайсизми, Жўлан ака? — сўрайман.

— Еттинчи қишни чўлда ўтказишим, — Жўлан мийнгида кулиб қўяди. Ҳайдар буни фаҳмлади шекилли:

— Бирон қизиқроқ воқеа хаёлингиздан ўтди чоғи, — деб қўйди.

— Йўғе, ўзим шундай...

Лекин Жўланнинг бутун борлиғи чўлга қадам босган дастлабки кунлари билан банд эди. 1958 йил. Политехника институтини тугатиш олдидан бўладиган традицион тантанали йиғилиш. Ёш геологлар бирин-кетин минбарга чиқаётирлар. Навбат Жўлан Усмоновга келади. Бир сесканиб, ўрнидан туради. Сўз бошлайди: — Ўртоқлар, дўстларим... биз, биз, аниғи мен, Мирзачўлга бормоқчиман. Қарорим шу, — бир оз жимиб қолади. Яна нима десин. Ҳамма қарсак чалади. «Қойил қилиб гапиролмадим» деб қизариб ўтиради жойига. Йўқ. Уни мақташди. «Давр ўғлининг қатъий сўзи шундай бўлибди» дейишди.

Кейин Жўлан Мирзачўл томон йўл олди. Чўл кезди, шруф ва дренажлар қазиди. Мирзачўлда ҳаёт булоқларининг кўзини очишга ҳисса қўшди. Ўтган йили Қарши даштини ўзлаштириш тўғрисидаги янги хабар Иттифоқ бўйлаб янгради. Қалби чўлдагина таскин топадиган йигит бу ишдан четда тура олмади. Энди у Қарши дашти бўйлаб кезяпти. Бу жойларни қадамлаб чиқиш иштиёқида юрибди у.

Етти йил. Бу орада унинг ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Катта ўғли Йўлчибой ҳадемай мактабга қатнайди. Алишер ҳам эсли-хушли бўлиб қолди. Жажжи қизчалари Феруза, Фарида, Ҳафизалар шундай ҳам ёқимтой бўлганки... Ойиси ёзган мактубларга чатиб-чутиб қўл қўйишади. Ада келинг дейишади. Лекин Жўланнинг вақти зиқроқ. Чўлда қиладиган ишлар кўп. Ишлар сал енгиллашгач, оиласини ҳам кўчириб келиш нияти бор. Ҳозирча унинг хаёлида чўл, оила ва бурч. Уч сўз — учаласи бир-бирига пайванд. У ҳаётга чўл йўлидан қадам ташлади. Қалби шундай амр қилди.

Ахир Қарши даштининг унумдор ерлари асрлар бўйи чўлу биёбонлигича қолиб келаётир. Бу ерда сув етишмаслигидан бирор гиёҳни экиб ундириб бўлмайди. Партия ва ҳукуматимиз чўлни ўзлаштириш вазифасини худди Жўлан сингари қалби олов йигитларга топширди.

Қарши даштининг бир томонидан Амударё оқса, иккинчи томондан Зарафшон оқади. Унинг ўртасида эса Қашқадарё кокил ёяди. Баҳор ва қиш фаслларида ёғингарчилик бўлади. Лекин бу сувлар ер остига сингиб кетади. Ёзда даштнинг лаби торс-торс ёрилади, жизғиноги чиқиб қақрайди. Унинг унумдор тупроғи, қуёшнинг заррин нурлари зое кетади. Лекин дашт ерлари остида жуда катта сув бор. Ундан фойдаланиш керак. Запасини аниқлаб, режимини ўрганиш зарур. Ана шу гидрогеологик ишлар комплексини адо этиш Жўлан сингари мутахассисларга топширилган.

— Бу ерларнинг сувидан ичиш мумкинми? — деб сўрайман.

— Ичиш дейсизми? Ҳа, мумкин. Вазифа шуки, қаердан ичиш учун, қаерлардан бўлажак совхозлар ерларини суғориш учун сув олиш мумкинлигини аниқлаш керак. Сўнг Қарши дашти шароитида қайси қатламлардаги сув қандай сувлар ҳисобига вужудга келишини билмоғимиз зарур.

Жўлан Усмонов ҳикоя қилар, шофер билан иккимиз мириқиб тингландик. Дашт сатҳини илма теши қилиб 100 дан ортиқ гидрогеологик қудуқлар қазилибди шу кунгача. Жўлан Усмонов бўлса ана шу қудуқларнинг режимини ўрганиш билан банд. У раҳбарлик қилаётган партия коллективи шу қудуқлар атрофида қош-кўз бўляпти. Қашқадарё гидрогеология экспедициясидаги бошқа партияларчи? Леонид Сафронов, Ғайрат Ҳошимов, Бобоқул Фармонов, Ўроқ Эшбоев, Юрий Печорин ва бошқа ўртоқлар раҳбарлик қилаётган Боботоғ, Мангузор, Ровгузор, Муборак, Косон, Шаҳрисабз яйловларида иш олиб бораётган партиялар коллективлари ҳам чўлда сув проблемасини ҳал қилиш билан шуғулланаётир.

Қарши даштини ўзлаштириш ишларини муваффақиятли олиб бориш мақсадида фақат «Каршистрой» заказларини бажарувчи махсус инженер-гидрогеология партияси ташкил этилди. Бу партияга тажрибали ёш инженер гидрогеолог Карим Пўлатов раҳбарлик қилаётир. Улкан гидроиншоотларни қайси жойда қуриш мумкинлигини ана шу партия коллективи кўрсатиб бераётир. Ҳозиргача иншоотлар ўрни белгилаб чиқилди. Қаерда пахта етиштириш мумкин, қаерда деҳқончилик тармоқларини ривожлантириш мумкин деган саволга ҳам шу партия коллективи жавоб беради.

Экспедиция коллективи 1964 йил бошида 860 минг сўмлик гидрогеологик ишлар комплексини адо этишни кўзлаб иш бошлаган эди. Бу марра ноябрь ойидаёқ адо этилиб 1965 йил ҳисобига иш бошлаб юборилди. Етти йилликнинг мана шу охирги йилида бажариладиган ишлар яна ҳам салмоқли. Бу йил 1.318 минг сўмлик иш бажарилиши керак.

— Бу маррани эгаллаш учун зўр тайёргарлик кўряпмиз, — дейди экспедиция бошлиғи Меҳриддин Абубакиров,—48 автомашина, 9 та «УРБ-2А», «2РБ-3А», «КШК-30» маркали ўзюрар пармалаш станокларимиз бор. Бу станокларни даштнинг ҳар қандай шароитида ҳам «ЗИФ-150», «ЗИЛ-157», «МАЗ» машиналари судраб бора олади. Қўшимча 150 кишини ишга қабул қилиш планлаштирилган.

Йўл-йўлакай бошлиқнинг ана шу сўзлари ҳақида ўйлаб кетдим. Кейин кутилмаганда олдинда ажойиб манзарага кўзим тушди.

— Ҳу анави тутунми, — узоқдан устунга ўхшаб кўринган нарсага имо қилдим.

— Йўқ, бу тутун эмас, буғ, — деди Жўлан ва мийигида кулди:

— Ҳозир ўша қудуқни бориб кўрамиз. Худди чашмадек қайнаяпти. Буғ ўша чашмадан чиқяпти.

Ажабо, дердим ўзимча. Ҳаммаёқни қор босган. Совуқ. Чўлда буғ. Чашмадан чиқаётган буғ. Ҳозир ҳамма чашмалардан ҳам шундай буғ чиқаётгандир. Худди инсон қалбидан чиқаётган ҳароратга ўхшайди-я!

Рўзи УРОҚОВ.
Қарши.

БИЛИМ—ОММАГА!

Институтимиз ҳузуридаги «Билим» жамияти бошлангич ташкилотига 120 га яқин профессор-ўқитувчи ва студентлар уюшган. Жамият аъзолари Тошкент шаҳрининг саноат корхоналари ва маҳаллалари, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона областлари ҳамда Зарафшон водийси меҳнаткашлари ўртасида сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган йили жамият аъзолари турли темаларда 1000 га яқин лекция ўқидилар, суҳбатлар ўтказдилар.

Жамият аъзоларининг иш тажрибаси лекция пропагандасининг савол-жавоб кечалари энг мақбул формаларидан эканлигини кўрсатди. Бунинг афзаллиги аввало шундаки, у ёки бу тема юзасидан ўтказилаётган суҳбатда бир неча олим иштирок этади, суҳбат жуда жонли ва мароқли бўлади, тема атрофлича, чуқур таҳлил қилинади. Кейинги икки йил мобайнида КПСС XXII съезди материаллари, партия Программаси, ахлоқ кодекси принциплари ва иқтисодий темаларда жуда кўп савол-жавоб кечалари ўтказилди. Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Чилонзор районларидаги «Зарафшон», Ильич номли ,«Социализм», «Илғор» маҳаллаларидаги чойхоналарда ташкил этилган кечаларда профессор М. Қориев, доцентлардан М. Мамажонов, Т. Саъдуллаев, Р. Пўлатов, Р. Тоиров ва бошқалар қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар. Институтимиз оталиғидаги «Зарафшон» маҳалласида олимлар кўчи билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига, коммунистик жамият қурилиши масалаларига оид темаларда лекция ва суҳбатлар мунтазам уюштириб турилади.

Институтнинг профессор-ўқитувчилари Оққўрғон районида иқтисодий билимлар университети ташкил этишга ёрдам бериш билан бирга, колхозларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорликда шу университетларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш проблемалари юзасидан илмий конференция ўтказишди. Конференцияларга тайёргарлик вақтида ўқитувчилар ва студентлар колхозларнинг экономикасини чуқур ўргандилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ички резервларини ишга солиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида меҳнатга пул билан ҳақ тўлашни жорий этишга ёрдам берилди, кейинчалик бу тадбир бошқа хўжаликларда ҳам жорий қилинди. Институтнинг бухгалтерия учёти ва хўжалик фаолиятини анализ қилиш кафедраси шу колхознинг ўзида хўжалик ҳисобини ишлаб чиқди.

Тошкентдаги тўқимачилар маданият саройида ўтказилган конференция коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳаракатига бағишланди. Конференцияга катта тайёргарлик кўрилди, шаҳарнинг ўнта саноат корхоналаридаги 201 коммунистик меҳнат бригадаларидан тегишли материаллар тўпланиб, анализ қилинди. Конференцияда профессор Олим Аминов «Техника прогресси ва коммунистик меҳнат формаларининг ривожланиши», «Билим» жамиятининг аъзоси ўртоқ Аҳмедов «Коммунистик меҳнат зарбдори ва меҳнатни уюштириш масалалари» деган темаларда доклад қилдилар.

«Билим» жамияти бошлангич ташкилоти институт партия ташкилоти раҳбарлигида студентлар ва меҳнаткашлар ўртасида пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги ғоясини пропаганда қилишга алоҳида эътибор бермоқда. «Ўзбекистон ССРда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси», «Ўзбекистон — шарқда коммунизм машъали», «СССРда коммунизм қурилиши ва миллатларнинг бир-бирига яқинлашуви» каби темаларда ўтказилаётган лекция, суҳбат ва назарий конференциялар тингловчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Тошкент халқ хўжалиги институти ҳузуридаги «Билим» жамияти бўлими аъзолари бўлган профессор ва ўқитувчиларнинг халқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга меҳнаткашлар ўртасида илғор билимларни пропаганда қилиш ва оммани коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишлари ибратлидир.

Т. МИРЗАБОБОЕВ,
доцент.
Ш. КАРИМОВ,
аспирант.



Оҳангаронда янги «Сантехлит» заводи ишга туширилди. Корхона коллективи саноат корхоналари ва уй-жойларни жиҳозлаш учун ҳар хил буюмлар чиқаради. Суратда: заводнинг қуюв цехи.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАҚРИЗ

МУҲИМ ДАРСЛИК

Техника ва халқ хўжалиги экономикаси ривожланган сари турмуш талаблари ҳам орта боради. Бу эса ўз навбатида олий маълумотли, юқори малакали мутахассисларни кўп талаб қилади. Бундай кадрларни тайёрлашда дарсликлар, ўқув қўлланмалар катта роль ўйнайди. Аммо шу даргача Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда ирригациянинг ўтмиши ёки ҳозирги аҳволи ҳақида ўзбек тилида ёзилган бironта асар йўқ эди. Рус тилида анчагина яхши дарсликлар нашр этилган бўлсада, улар Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон шароитига мослаштирилмаган эди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИИИМСХ)нинг кафедра мудири, доцент Х. А. Аҳмедовнинг «Суғориш мелиорацияси» номли дарслиги бу камчиликка чек қўйди. Дарсликда Ўзбекистон шароитида пахта, сабзавот, полиз экинлари, маккажўхори, оқжўхори, беда, шоли, токзорлар, мевали боғларни суғориш режими содда, тушунарли тил билан баён этилган.

Республикамизда қурилаётган янги суғориш системаларида полимердан тайёрланган букилувчан қувурлар, темир-бетондан қилинган йиғма новлар, автоматик равишда ишлайдиган сув ўлчовчи асбоб-ускуналар, сунъий ёмғир ёғдириш йўллари, сув нобудгарчилигига қарши қўлланиладиган химиявий методлар, ирригация системаларини телемеханика ёрдамида бошқариш, суғоришни механизация, автоматизация усулига кўчириш, ёпиқ суғориш ва зах қочириш ёпиқ системалари кенг равишда қўлланилмоқда. Юқорида тилга олинган барча янгиликлар «Суғориш мелиорацияси» дарслигида асосий темалар сифатида талқин этилган.

Дарсликнинг муҳим афзалликларидан бири — унинг замонавийлигидир. Ҳозиргача нашр этилган дарсликларда суғориладиган территорияни механизация комплекси асосида тузиш, суғоришни ғўза парвариши билан боғлаб олиб бориш, ирригация қурилишларига гидротехник иншоот блоклари тайёрлаб беришни индустрия рельсига кўчириш каби техник ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалаларга эътибор берилмай келинарди. Автор юқоридаги камчиликларни тузатди.

Ўт-далали деҳқончилик системаси қоралганган бўлсада, зах, шўр ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини оширишда беда экинларининг роли катталиги китобда яқол кўрсатилган. Шуниси диққатга сазоворки, Мирзачўл, Қарши чўллари каби катта массивларни суғориш ва ўзлаштириш лойиҳаларида экономика ва чорвачиликни ривожлантириш масалаларига ҳам катта аҳамият бериш зарурлиги дарсликда ўз ифодасини топган.

Дарслик баъзи камчилик ва нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Бизнинг фикримизча, сунъий ёмғир ёғдириб суғоришни ҳамма область, район ва хўжаликларда ёппасига қўллана бериш тўғри эмас. Китобда эса бу масалага катта ўрин берилгани ҳолда, Сирдарё ва Амударё сув ресурсларидан фойдаланиш проблемалари ва айрим хусусиятга эга бўлган Хоразм ирригацияси жуда тор ёритилган.

Умуман олганда, «Суғориш мелиорацияси» китоби Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ирригациясининг ҳозирги ҳолатини ва замонавий янгиликларни акс эттирувчи методика нуқтаи назардан тўғри тузилган дарсликдир. Бу китобдан студентларгина эмас, балки лойиҳалаш институтларида, сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги органларида ишлаётган техник, инженер, экономист, агроном ва ер тузувчилар ва ҳатто колхоз, совхоз раҳбарлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

«Ўқитувчи» нашриёти бу дарсликни нечиктирмай, рус тилида ҳам нашр этса, Ўрта Осиё республикаларининг сув ва қишлоқ хўжалик ходимлари учун катта фойда келтирган бўлур эди.

М. УМАРОВ,
биология фанлари кандидати.
Ҳ. АСҚАРОВ,
техника фанлари кандидати.

Ғўзапоянинг хосияти

Ҳосил теримидан кейин қолган ғўзапоялардан тўғри фойдаланилса, пахта ҳосилдорлиги бир ярим-икки центнер ошириши мумкин. Чунки ғўзапоя кўпгина қимматли органик моддаларга бойдир. Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаштириш Ўрта Осиё институтининг олимлари уч йил олиб борилган тадқиқотлар натижасида ана шундай хулосага келдилар.

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва бошқа бир қанча илғор хўжаликларнинг механизаторлари қишки ер ҳайдаш кунларида ана шу хулосалардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар. Тажриба шуни кўрсатдики, ҳар гектар ерда уч-тўрт тонна ғўзапоя тупроққа қўшиб ҳайдаб юборилса, озуқа моддаларининг, жумладан, азот билан фосфорнинг ҳаракати учун яхшироқ шароит яратилади, тупроқ таркибидаги гумус моддаси кўпаяди.

Бу янги тадбиркинг иқтисодий жиҳатдан берадиган яна бир фойдаси шуки, ғўзапояни йиғиштиришга қилинадиган сарфлар икки-уч баравар камаяди. Чунки ғўзапояни юлиш, йиғиштириш, ғарамлаш, машина ёки аравага ортиш, дала четига олиб чиқиш, ғарамга босиш сингари ишларни бажариш ўрнига уни майдалаб, шудгорлаш вақтида тупроққа аралаштириб юборилади. Бу ишни трактор агрегати ер ҳайдаш вақтида бажаради-қўяди.

Ғўзапояни тупроққа аралаштириб ҳайдаб юборишдаги турли методлар таққослаб кўрилганида, шу нарса маълум бўлдики, уни икки ярусли плуг ёрдами билан 40 сантиметр чуқурликда тупроққа аралаштириб ҳайдаш энг яхши самара беради.

(ЎзТАГ).

Улуғ ВАТАНИМИЗДА

● *Новотульск металлургия заводининг коллективи ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан етти йиллик топшириғини муддатидан олдин бажариб қўйди. Завод ўтган йилнинг ўзидагина пландан ташқари неча ўн минг тонна металл эритди.*

⊙ **Вера Слуцкая номли фабрика — жаҳондаги энг яхши стандартлар даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш мусобақасининг ташаббускорлари — Ленинграддаги ўн саккиз корхонанинг биридир. Тўқимачилар пардози яхшиланган, ранг-баранг, мода бўлган гуллар билан безатилган эллик миллион метр газлама тўқишга қарор қилдилар. Корхона бу йил гули янги 265 хил газлама беради.**

● Математика, амалий физика, химия, ўсимликлар физиологияси ва биохимияси институтларининг икки юзга яқин лабораторияси Кишинев шаҳрининг жанубий чеккасида қурилган Молдавия ССР Фанлар академиясининг янги шаҳарчасига кўчиб ўтди. Яна бир корпус қурилмоқда. Бу корпуса бир неча институт ва ҳисоблаш маркази жойлашади.

⊙ **ДНЕПРОДЗЕРЖИНСК ЦЕМЕНТ ЗАВОДИДА ДОМНАНИНГ ДОНАДОР ШЛАКИДАН ТЕЗ ҚОТИБ ҚОЛАДИГАН ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ МАРТА ЎЗЛАШТИРИЛДИ. СИНОВЛАР ШУНИ КЎРСАТДИКИ, БУ ЦЕМЕНТ СИФАТИ ЖИҲАТИДАН ОДДИЙ ЦЕМЕНТДАН МУТЛАҚО ҚОЛИШМАЙДИ, ТАННАРХИ ЖИҲАТИДАН ЭСА ИККИ МАРТА АРЗОНДИР.**

● Қозоғистон қўрғошини, рухи ва кадмийси қуймалари Лейпцигда очиладиган навбатдаги баҳорги халқаро ярмаркада намойиш қилинади. Бу маҳсулотларни Усть-Каменогорскдаги В. И. Ленин номли қўрғошин-рух комбинати Германия Демократик Республикасига жўнатди. Устькаменогорсклик металлурглар — 25-халқаро ярмарка ва виставкаларнинг қатнашчисидир. Комбинат эритаётган рангли металлар чет элларда ғоят манзур бўлмоқда. Бундай металларни ўн саккиз чет мамлакат сотиб олмоқда. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАЯНЧИ

Деворий газета — партия ташкилотининг таянчи, коллектив ҳаётининг ойнаси. Буни фабрикамизнинг «Тикотажчилар» деворий газетаси мисолида кўриш мумкин.

Деворий газетанинг 7 кишидан иборат редколлегия аъзоси партия ташкилоти тасдиқлаган план асосида ишлайди. Редколлегия аъзоларининг ҳар бирига аниқ вазифалар топширилган. Масалан, менга деворий газета ҳамда «Игна» сатирик газетасини ойда икки марта, «Жанговар варақа»ни ҳафтада бир бор мунтазам чиқариш юкланган. Инженер Гулжамол Ҳалимова материалларнинг пухта ишланиши ва деворий газетанинг безатилишига, фабрика лабораториясининг мудири инженер Нина Лисенко партия турмушнинг, слесарь Салом Ҳомидов янги техникани жорий этиш, ихтирочлик ҳақидаги материалларнинг ёритилишига масъул. Старший мастер Пўлат Шарипов хатлар ва оммавий ишлар билан шуғулланади.

Редколлегия йиғилишларида деворий газетани жонли, қизиқарли, таъсирли қилиб чиқариш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинади, редколлегия аъзоларининг ҳисоботи эшитилади. Бу ишларнинг ҳаммасига партия ташкилоти секретари ўртоқ Олим Ҳасанов раҳбарлик қилади. Бу тадбирлар деворий газетанинг ишчилар ўртасидаги таъсири кучайишига ва ишчи мухбирларнинг кўпайишига ёрдам бермоқда.

Газетамизнинг 1964 йилда чиқарилган ўн еттита сонида фабрика ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимларидан 109 кишининг хат-хабари босилди. Муҳим масалалар юзасидан 7 марта оммавий рейдлар ўтказилди. Рейд якунлари маъмурият, партия ташкилоти йиғилишларида, фабрика ҳузуридаги ишлаб чиқариш кенгашида атрофлича муҳокама қилиниб, аҳволни тузатишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

<> <>

Фабрикамиз бир қанча йиллар шаҳарда қолоқ корхоналардан бири бўлиб келди. Бунинг сабабларини аниқлаш мақсадида кўмаклашувчи группа аъзолари мухбирлар билан биргаликда рейд ўтказишди. Текширишда аниқланишича, ишлаб чиқаришни планлаштиришда фабрикадаги шаронт ҳисобга олинмаган. Бунинг устига бўёқчилик, трикотаж, ип-йигирув цехларида ишлаб чиқариш процесслари такомиллаштирилмаган. Янги техника воситалари арзимаган сабаблар билан корхона ҳовлисида ҳаракатсиз ётган. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумининг пасайишига, маҳсулот таннархининг қиммалашувига сабаб бўлган. Фабрикадаги бўёқчилик, трикотаж, ип-йигириш, бичиш-тикиш цехлари комплекс механизациялаштирилди. Трикотаж цехида Ленинград корхоналарида ишлаб чиқарилган 4 та автомат агрегат, тикувчилик цехида 100 та ихтисослаштирилган тикув машиналари, 4 та конвейер агрегати, трикотажга ишлов берадиган иккита махсус машина ишга туширилди. Ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмаган ҳолда кўп маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Бу тадбирлар меҳнат унумини кескин ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берди. Фабрикамиз 1 миллион 629 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик плани ўтган йил 5 ноябрда ортиғи билан бажарди. 600 минг дона ички кийим, 400 минг дона устки кийим тайёрланди. Корхонамиз коллективига бултур уч марта кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти берилди.

Ишлаб чиқариш илғорлари партия сафига қабул қилинаётгани, коммунистик меҳнат ҳаракати, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг йиғилишлари ҳақида деворий газета мунтазам материаллар бериб туради. Онла Советнинг фаолияти ёритиб борилади. Бу ҳақда ишчилардан Ҳалима Ҳабибова, Зуҳра Қосимова ўртоқлар ранг-баранг темаларда хат-хабарлар ёзишди.

Илғорлар тажрибасини оммалаштириш, бу ҳаракатга бошчилик қилиш газета фаолиятининг асосини ташкил этади. Ишлаб чиқарнш новаторларидан мотористка Гулнора Ҳасанова, йигирувчи Мастура Очилова, Қурбон Мукаррамова ўртоқлар газетамизда ўз тажрибаларини ҳикоя қилиб бердилар.

«Халқ контроли — ҳаракатда» рубрикаси остида кўмаклашувчи группа ва постларнинг фаолияти ёритилади. Газетанинг 13- сонида маҳсулот сифати бўйича кўмаклашувчи группа томонидан ўтказилган рейд материали ёритилди. Материал фабрика ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинди. Трикотаж маҳсулотини ранглашда бракка йўл қўйган мастерлардан Қаюмов, Фахлаев ўртоқларга чора кўрилди. Улар 5- разряддан 3- разрядга туширилди. Бу ҳол ишчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим роль ўйнади.

Янги йилда газетамизда яна янги-янги масалаларни кўтариб, партия ташкилоти, коллективга яқиндан кўмаклашамиз.

Р. ЮСУПОВА,
Бухоро трикотаж фабрикасида чиқадиган деворий газета редактори.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ № 2
9 ЯНВАРЬ, 1965 ИИЛ
№ 6 (12.962).

СЎЗ — МАШЪАЛЛАРИМИЗГА

Ерга муҳаббат

Турсунмат ҒУЛОМОВ,
Сирдарё область, Сирдарё районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

Яқин-яқингача биз пахтадан жуда паст ҳосил олиб келар эдик. Шунда ҳам баъзи йиллари планни бажарсак, бир неча йил сурункасига давлатдан қарздор бўлиб қолардик. Буни баъзан об-ҳавонинг ноқулай келганлигидан кўрсак, баъзан айбни сувнинг танқислигига, ер шароитимизнинг оғирлигига қўярдик. Бундай ўйлаб қарасак ҳамма айб ўзимизда экан. Агротехника тадбирларини кўнгилдагидек бажармас, ернинг шўрини ювишга тузук эътибор бермас, умуман ернинг қадрига етмас эканмиз. Кейинги йилларда бу жиддий камчиликларни тузата бошладик. Бойлик манбаи бўлган ерни эъзозлайдиган, уни йил бўйи меҳр-муҳаббат билан ишлаб, гард юқтирмайдиган — вақтида шўрдан тозалайдиган, захини қочирадиган, чуқур юмшатадиган, ўғитга тўйдирадиган, бегона ўтнинг кўкаришига йўл қўймайдиган бўлиб қолдик.

Ер ҳам меҳнатимизга яраша ўз бойлигини пахтакорларимизга инъом қиляпти. Колхозимиз аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли, қудратли техниканинг кучи билан пахтадан йил сайин мўл ҳосил олмоқдамиз. Етти йилликнинг олтинчи йилида пахта етиштиришни кўпайтиришда айниқса катта ютуқларни қўлга киритдик. 1145 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига 31 центнердан «оқ олтин» олдик. Ҳосилдорлик бир йилда гектарига 5 центнер кўтарилди.

Қозоқбой Ботиров, Эркабой Эгамбердиев, Ҳалима Тошматова ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ерлари асосан шўрхок ҳисобланади. Илгарилари бу ерлардан гектарига 12-15 центнердан ортиқ ҳосил олиб бўлмайди, деб юриларди. Лекин бу бригадаларнинг азамат пахтакорлари «сен ерни тўйдирсанг, ер сени тўйдиради» деган нақлни амалда кўрсатмоқдалар. Улар ернинг шўрини ҳар йили яхшилаб ювиш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш тадбирларини кўриш йўли билан экин майдонларининг структурасини анча яхшилаб олдилар. Натижада ҳосилдорлик йилдан-йилга кўтариляпти. Ўртоқ Қ. Ботиров бошлиқ бригада 89 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан, ўртоқ Э. Эгамбердиев бошлиқ бригада 100 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 33 центнердан, ўртоқ Ҳ. Тошматова бошлиқ бригада 93 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарди.

Ўтган йили ҳосил йиғим-теримини механизациялаш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Далаларимизда 29 та «зангори кема» унумли ишлади. Бу агрегатлар билан 2100 тонна «оқ олтин» териб олинди. Машина терими плани 177,7 процент адо этилди. Ҳосилнинг асосий қисми «пўлат от»лар бункеридан тўкилганлиги туфайли йиғим-теримга планда кўзда тутилганидан 30 минг сўм кам маблағ сарфланди, даромад ошди. Бир миллион 150 минг сўм даромад қилдик.

Ҳозир биз қишки тадбирларни келгуси йилда янги марраларни эгаллашга қарата олиб бормоқдамиз.

Тупроқнинг унумдорлигини оширишга шу кунларда катта эътибор бермоқдамиз. Агрономимизнинг маслаҳатига кўра, ҳар гектар ерга йил давомида 100 килограммга қадар соф азот, маълум миқдорда фосфор солиш планлаштирилган пахта майдонига 8-9 тоннадан, 100-150 килограмм ва ундан ортиқ соф азот солиш кўзда тутилган далаларнинг гектарига 10-12 тоннадан маҳаллий ўғит сочишни мўлжаллаб қўйганмиз. Ҳайдаш олдидан йиллик норманинг 55-60 проценти миқдорида суперфосфатни 3-4 тоннадан гўнгга аралаштириб тупроққа солмоқдамиз.

Ернинг шўрини ювиш тупроқнинг унумдорлигини оширишда энг яхши тадбирлардан бири ҳисобланади. Биз бу ишни далаларнинг шўрланиш даражасига қараб ўтказмоқдамиз. Шўр ювишга киришишдан олдин карталарнинг паст-баландлигига қараб, уни кичик-кичик бўлакларга бўлганмиз ва 5-7 сантиметр қалинликда, 45-50 сантиметр баландликда марза олганмиз. Сув шу бўлакчаларга 35-40 сантиметр баланд қилиб ёппасига оқизиляпти. Бу эса сувнинг зарарли тузларни бир метрдан ортиқроқ чуқурликка тушириб юборишга ва шўрнинг яхши тозаланишига имкон бермоқда. Шу кунга қадар 300 гектардан ортиқ ернинг шўри 1,5-2 марта ювилди.

Кўп йиллик тажрибамизга кўра, шўри кўп марта ювиладиган далаларга дастлабки икки сувни бирин-кетин тараймиз, орадан 4-5 кун ўтгач, шўр ювиш учун учинчи марта сув оқизамиз. Бир картадаги сувнинг қўшни картага оқиб ўтишига ва зовурларга ташлаб қўйилишига йўл қўйилмайди. Акс ҳолда этакдаги картани баттар шўрлатиб юбориш мумкин. Зарарли тузлар энг кам даражага тушмагунча шўр ювиш тўхтатилмайди. Бу ишга энг яхши сувчилар танлаб қўйилган. Шўр ювиш кеча-кундуз ўтказиляпти.

Шу кунларда колхозимиздаги ишга яроқли бир мингдан ортиқ киши қишки агротехника тадбирларини амалга оширишга сафарбар этилди. 20 та трактор тележкаси ва бир қанча транспорт воситалари билан далага гўнг ташиб чиқариляпти. Бундан ташқари гўнг-тупроқ компости ҳам тайёрланмоқда. Маҳаллий ўғитлар гўнгхоналарда чиритилаётир. Ариқ-зовурларни тозалаш, пахтазорларни текислаш, марзаларни бузиш, шўрхок бўлмаган, ер ости сувлари чуқур жойлашган ва шудгорлашдан чиқарилган экинзорларга яхоб бериш ишлари ҳам қизғин олиб бориляпти.

Кузги-қишки тадбирларни пухта амалга оширган деҳқон баҳорда дол қолмайди, чигитни энг қулай агротехника муддатларида экиб ва текис ундириб олади. Ер қишда ишланса, унинг унумдорлиги кескин ошади, тупроқда чиринди кўпаяди, нам узоқ сақланади, ҳашарот қирилиб кетади. Колхозимизнинг ҳар бир аъзоси буни жуда яхши тушунади. Шунга кўра, деҳқонларимиз ўтган йиллардагидек бу йил ҳам қишки тадбирларни пухта ўтказмоқдалар. Биз шудгорлашни тезроқ тамомлаш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Баҳорги чигит экишни шай бўлиб кутиб оламиз. Колхозчиларимизнинг далаларда астойдил меҳнат қилаётганликлари ана шундан далолат беради.

В. СМИРНОВА-РАКИТИНА.

Абу Али Ибн Сино қиссаси

Рус адибасининг бу қиссасида улкан олимнинг ҳаёти, фандаги тенгсиз жасорати ҳикоя қилинади.

РОМАНДАН ПАРЧА

— Бизнинг улуғ Хоразмшоҳ, назаримда, сиздан жуда мамнун кўринади, — деди Маҳмуд акасининг хонасига кириб. — Менимча у кўпдан буён ал Берунийни қайтариш ниятида бўлса ҳам, бу фикрни ошкор айтишга ботинмай келарди.

Ҳусайн бош кўтариб, ёзаётган хатини бир четга сурди-да, таажжубланиб укасига қаради.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, — изоҳлаб кетди у, — ўз фуқароси, чор атрофда донг таратган ажойиб олимнинг унинг илм саройида бўлмай, ғурбатда яшашни афзал деб билишига шоҳ қандай тоқат қилсин? Бизнинг Маъмун бошқа хислатлари билан бир қаторда хўжалик ишларига кўзи етадиган одам. Бирор қимматли нарсани ўз қўлидан чиқиб, бошқаларнинг қўлига тушишига тоқати йўқ. Назарида ўз мулки ҳисобланган ал Берунийнинг бошқа ҳукмдорнинг шон-шуҳратига сабаб бўлиши унинг уйқусини ўчириб юборади. Ўз обрўсини туширмай, уни Хоразмга қайтариш шоҳнинг фикру зикри эди албатта. Сиз уни бу ўнғайсиз вазиятдан қутқардингиз. Берунийнинг «Аждодларнинг излари» асари муҳокама этилганда сизнинг оташин нутқингиз ҳаммани тўлқинлантириб, Хоразмшоҳга ёрдам қилди. Энди Берунийнинг Хоразмга таклиф этилиши гўё унинг ўз хоҳиши билан эмас, машҳур сарой олимининг рўй хотири учун қилинган илтифотдай туюлади.

Ҳусайн кулиб юборди.

— Майли, сен айтгандай бўлсин! Шоҳ илтифотининг замирида нималар борлиги хусусида тортишиб ўтирмаймиз, — кулимсиради Ҳусайн. — Энг муҳими шуки, биз ғалаба қилдик. Мен Беруний учун беҳад мамнунман. У ғурбатда жуда зериккан эди. Ниҳоят, ватанига қайтиш имкони туғилди. Сирасини айтганда, бунинг Хоразм учун ҳам аҳамияти зўр. Урганчда ҳақиқий олимлар кўпми? Шу кунда улар жуда зарур. Ҳаётнинг ўзи ҳандаса, илми нужум, кимё ва табиийт ҳақидаги билимимизни кенгайтиришни қатъий талаб қилмоқда. Бунинг ўрнига, билсанг керак, сўнгги вақтларда руҳонийлар бош кўтармоқдалар. Ҳамма масжидларда оғизларидан кўпик сочиб илм-фанга қарши ташвиқот қилмоқдалар, ҳамма олимларни даҳрийга чиқариб, динни мадҳ қилмоқдалар. Улар ўз тўрларига шоҳни тушириб олмоқчилар, қора халқни қўрқитиб, мутаассиблик, жаҳолат уруғини сепмоқдалар. Уларнинг ҳайқириқ ва таҳдидларини кўриб илм-фанни юракдан севиб ҳурмат қилувчилар ҳам ҳайиқиб қолишди. Сен сездингми, улар қандай эҳтиёткорлик билан дудмол қилиб гапирадиган бўлиб қолдилар? Мана шу чоқда олимлар ўз эътиқодларини дадил ҳимоя қилиб чиқишлари, теварагимизда қуюқлашиб бораётган зулматни тарқатиб юборишлари зарур. Беруний — ҳақиқий олим. Унинг орамизда бўлиши, унинг мардлиги сафларимизни мустаҳкамлайди. Унинг ёрдами билан биз қоронғилик, жаҳолат ва мутаассибликка қарши жангга кирамиз!

— Назаримда ҳозирги аҳволнинг соя томонларига ортиқча баҳо бераётганга ўхшайсиз, — эътироз этди Маҳмуд. — Имомлар, руҳонийлар ҳамиша фанга қарши чиқиб келганлар. Бу, улар учун ҳаётий зарурат. Кўр-кўрона эътиқод уларни ҳам тўйдиради, ҳам кийинтиради. Агар қавмлари масжиддан совуб қолса — уларнинг киссалари бўшаб қолади.

— Сен ҳақ гапни айтяпсан, албатта! Бироқ нега улар ҳозир бундай жону жаҳд билан ва ҳамжиҳат бўлиб ҳужумга киришди? Буларга кимдир четдан далда беряпти деб ўйламайсанми?

Маҳмуд эшитганига ишонмай кулимсиради.

— Ким? Бағдод халифасига ҳозир Хоразм ишларига аралашишдан ҳеч қандай манфаат йўқ-ку!

— Руҳонийларнинг орқасида бошқалар, бу ерда фитна қўзғаб, давлатни заифлаштириб, сўнгра осонлик билан уни босиб олишни ўйлаганлар бор.

— Сиз Маҳмуд Ғазнавийни кўзда тутиб гапиряпсизми?

— Ўшани, албатта! Наҳотки сен билмасанг: унинг тушига ҳам Хоразмни забт этиш киради.

— У Ҳиндистонга қарши уруш тайёргарлиги билан овора-ку. Ўлжа ҳам у ерда кўпроқ.

— Йиртқичнинг иштаҳаси чегарани билмайди. Дарвоқе, муллаларнинг ғазотни мадҳ қилишлари ҳам бежиз эмас. Шу туфайли Хоразмнинг минглаб ўктам йигитлари ҳинд юришига қатнашиш ниятида Ғазнага жўнаб кетишди. Айтгандай, менинг қўлимда султон жосуслари Урганчдаги ҳар бир воқеани кузатиб, бизнинг ишларимизга аралашаётганларини кўрсатувчи далил ҳам бор.

— Қандай далил? — қизиқсиниб сўради Маҳмуд.

Ҳусайн чўнтакларини қидириб, кир ва эзилган бир қоғозни олиб укасига узатди. Бу хат ҳаммаси бўлиб ўн сатрдан иборат эди. Бироқ, уни ўқиш билан Маҳмуднинг юзларида ташвиш аломати пайдо бўлди.

Мактубнинг мазмуни ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмасди. Унда жосусга, юборилган пуллар шоҳнинг атрофини ўз кишиларимиз билан ўраб олишга сарфлансин, саройда юз берган воқеалар синчиклаб текшириб борилсин, деб кўрсатма берилганди. Бундан ташқари, унга сарой масжидига янги тайинланган имом билан алоқада бўлиб, у тўпланган маълумотларни хат муаллифига юбориши топширилган.

— Бу хат қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушди?

Ҳусайн йўлда от йиқитиб кетган одам ва унга тиббий ёрдам кўрсатгани ҳақида сўзлаб берди.

— Эҳтимол жосус ўшанинг ўзи бўлиб, хат унинг киссасидан тушиб қолгандир. Агар у хатни йўқотиб қўйганини пайқаганда ҳам, эслатиб ўтирмай, тезроқ қочишга ҳаракат қилгандир. Мен хатни уй эгаларидан бирортасига тааллуқли деб, уни уй бекасига топширинглар, деган эдим. Бека хатни менга юборибди, чунки у ҳовлида яшовчиларнинг ҳеч бири хат йўқотмаган экан. Мен хатни ўқиганда уни кимга тааллуқли эканини ҳақида бирор ишорат чиқар деб ўйлагандим. Мана ўзинг ҳам кўриб турибсан, унда ҳеч қандай ишора йўқ.

— Бу хат Султон Маҳмуднинг айғоқчилари бошлиғи Алиф Ҳиротийдан эканига ҳеч шубҳа йўқ. Вазир кўпдан бери, унинг айғоқчилари Урганчда тўлиб кетган, деб гумонсираб юради. Ҳар эҳтимолга қарши бу хусусда вазирни хабардор қилиб қўйиши лозим. Сиз бу хатни менга берасизми?

— Марҳамат, ола қол! Бироқ, ҳатто Суҳайлий ҳам Султон Маҳмуд жосусларига қарши бирор чора кўришга ҳайиқади деб ўйлайман.

— Буларнинг бари ал Берунийнинг келиши жуда ҳам зарур эканини кўрсатиб турибди. Бошқа ҳар қандай одамга қараганда у шоҳнинг кўзини яхшироқ оча олади, унга таъсир эта олади. Бироқ, бирдан унинг фикри ўзгариб, бу ёққа келишга кўнмайдими деб қўрқаман.

— Бундай бўлар деб ўйламайман. Биринчидан мен унга муфассал хат ёзиб, унинг бу ерда бўлиши зарурлигини айтаман, сен бу хатни унга топширасан, иккинчидан Урганчда унинг учун қизиқ янгилик бор. Яна қанақа янгилик де? Унинг хотини ва қизи топилди. Қаердан дегин? Мана бу деворнинг орқасидан, — Ҳусайн қўли билан боғнинг нари бурчига ишора қилди. — Улар бизнинг қўшнимиз, хатда бу ҳақда ёзаман, аммо ҳамма гапни қоғозга ишониб бўлмайди. Шунинг учун қолган тафсилотни унга ўзинг айтиб берасан. Бу хабардан унинг нечоғли қувонишини тасаввур қиламан. Ахир у бутун оиласини ҳалок бўлган деб юрарди. Мактубларнинг бирида: «Хоразмда мени ҳаётга ундаган ҳамма нарсани йўқотдим», — деб ёзган эди. Энди мен юборган хабар унинг қайғуларига хотима беради.

— Гапларингиз, охири мурод-мақсадларига етишди, деб тамом бўладиган эртакка ўхшайди, — деди Маҳмуд кулимсираб, — унга бу янгиликни етказиш мен учун жуда кўнгилли. Хушхабар билан одамларни қувонтириш элчиларга камдан-кам насиб бўлади. Энди бу воқеани менга батафсил ҳикоя қилинг.

— Охири бахайр бўлар деб ўйлайман, аммо эртакнинг ўзи жуда ҳам алам ангиз, — жавоб берди Ҳусайн. — Афсуски биз буни илгарироқ билмабмиз. Урганч амири, ҳозирги Хоразмшоҳнинг отаси шаҳарни босиб олганда Қиёт подшоҳи Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг энг яқин маслаҳатчиси ал Беруний қочишга мажбур бўлади. У бир неча вақтгача бировнинг боғ ҳовлисида яшириниб яшайди ва шу ерда бошпана берган кишининг қизига уйланади. Хоразмда яшаш жуда ҳам хавфли бўлгандан сўнг у рафиқасини қайинота ҳимоясида қолдириб, Журжонга қочади. Тез фурсатда қизнинг ота-оналари вафот этади, уй-жойларни сотиб қарзга тўлашади, кўкрак боласи билан қолган ёш жувонни Берунийнинг кекса устози Абдусамад Аввам ибн Абдусамад Ҳаким ўз тарбиясига олади. Бироқ уни ҳам бир асари учун уламолар даҳрийликда айблаб сиртдан ўлимга ҳукм қилишади. Чолга қочиб яширинишдан ўзга чора қолмайди. У Қиётдан Урганчга кўчиб келиб, бу ерда Ҳасан ибн Ҳаким номи билан яшайди. Чол қарийб ўн йилдан буён шу шаҳарда яшайди. Бир савдогарнинг ҳисоб-китобини қилиб, шунингдек ўзи ва Берунийнинг китобларини сотиб «чиқма жоним» тарзида кун кўриб келади.

— Эсингдами, — давом этди Ҳусайн, — Гулнора иккимиз ёшгина қўшни жувоннинг қаттиқ ётиб қолганини гапириб бергандик. Ўша жувон ал Берунийнинг хотини эканини мана бугун аниқладим. Агар буни илгарироқ пайқаганимда, у аллақачон оиласининг тақдири ҳақидаги ташвишдан қутулар, булар ҳам бунчалик мусибатга йўлиқиб, кулфат тортмасди. На чораки қария менга кимликларини айтмай эҳтиёт қилиб келди. Шу тариқа деярли тўрт йил ўтди, фақат бугун Жаъфарнинг қўшни қизини Райҳона деб чақиришини эшитгач, бу номни бир мартаба Бухорода Берунийдан эшитганимни эслаб қолдим ва чолнинг ҳузурига бориб, бу оила сиридан мени воқиф қилишни талаб этиб туриб олдим.

— Яхшиям қизга бундай нодир ном қўйишган экан, — кулимсиради Маҳмуд, — бундан ҳам яхшиси шуки, Беруний оиласи бизнинг қўшнимиз бўлиб чиқди. Художўй одамлар бўлса, оллоҳнинг марҳамати чегарани билмайди, дер эдилар, албатта!..

— Кошки эди бу марҳамат ҳамиша одамларнинг саодатига хизмат қилса!

— Бу жуда катта талаб албатта! Яхшими айтинг-чи, чолнинг иши нима бўлади? Ҳали ҳам ҳукм ҳукмлигича қолаберадими?

— Ўн йилга яқин вақт ўтди. Ҳукм кучини йўқотди деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, у бу даврда фаннинг муҳим соҳасига оид шундай ажойиб асар ёзганки, ҳар қандай олимнинг ҳаваси келади. Мана, бу китоб. — Ҳусайн ўз олдида тартиб билан тахланиб ётган қоғозларни кўрсатди. — Мен уни бир оз варақлаб, жуда қимматли асар эканига ишонч ҳосил қилдим. Аминманки, биз уни афв этишларига эришамиз ва бу қайғули қисса қувончли хотима билан тугайди...

— Бундай хушхабар билан уни, гарчи у иккиланиб турган бўлса ҳам, Хоразмга келишга дарҳол кўндираман! — қувониб нидо солди Маҳмуд.

— Назаримда, буларсиз ҳам у ватанига қайтса керак...

Русчадан **Тўхтасин ЖАЛОЛОВ** таржимаси.

ЯНГИ ЙИЛ ПОЧТАСИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси 1965 йилнинг дастлабки кунларида меҳнаткашлардан кўплаб хатлар, ўнлаб фотосурат олаётир.

— Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзолари, — дейилади Н. Ортиғалиевдан олинган хатда, — ўтган хўжалик йилини яхши якунладилар. Давлатга пахта, пилла, ғалла, чорва маҳсулотлари сотиш планлари бажарилди. Ҳалол меҳнат катта даромад келтирди.

Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун! Моддий бойликлар яратаётган кишилар бадавлат ва маданий ҳаёт кечиради, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади. Исмоил Муракаев, Амина Сибгатулина, Асрор Хўжаниёзов, Аром Жабборов, Узоқ Неъматов меҳнати элга манзур бўлган пенсионерлардир. Улар давлатдан катта-катта пенсия олмоқдалар. Қобил Очилов, Алибобо Қораев, Жўра Бердиёров, Ҳайдарбобо Файзиевлар ҳам пенсионер. Аммо улар қартайдик, деб қараб ўтирганлари йўқ. Пахтакорлар, чўлкуварларга кўмаклашишяпти, чорвачиликни ривожлантириш, янги боғ-роғлар барпо этишга қўлларидан келганча ҳисса қўшишяпти, — деб ёзади Қарши районлараро давлат архивининг инспектори Ў. Панжиев редакцияга йўллаган хабарда. Штатсиз мухбиримиз Н. Иноқов самарқандлик тўқсон саккиз баҳорни кўрган Шариф ота Ҳодиевнинг номини фахр билан тилга олади.

Турмуш ширин, ҳаёт лаззатли бўлиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашаматли маданият саройлари, жамоат бинолари, уй-жойлар қурилиб ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар ихтиёрига топширилмоқда. Мана бир мисол. Сирдарё районининг маркази Сирдарё посёлкасида 400 ўринли кенг экранли кинотеатр биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Посёлкада яшаётган аҳоли, яқин орадаги колхозларнинг аъзолари ишдан бўш вақтларида бу ерга келиб турли кинофильмлар томоша қилмоқдалар, маданий ҳордиқ чиқармоқдалар. Гулистон шаҳар маданият уйи қошида халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил қилинди. Унда 30 дан зиёд қиз-йигит таълим оляпти. Т. Солиев ва Э. Рўзибоев ана шундай хушхабар юборганлар. Б. Эшонқулов эса Гулистон — Бекобод шаҳарлари ўртасида янги маршрут бўйича автобус қатнай бошлаганини маълум қилди.

Ҳар касбнинг ўз гашти бор. Бизда касб ўрганиш учун ҳамма имконият мавжуддир. «Бир йигитга етмиш ҳунар оз» деганларидек, Самарқанд районидаги 63-ўн бир йиллик мактаб ўқувчилари шоферлик ҳунарини ўрганишга аҳд қилдилар. шу мақсадда мактаб ҳузурида 4 ойлик курс очилди. Хоразм областининг Гурлан районидаги Янгийўл районидаги Абдулла Набиев номли ўрта мактабда ҳам шоферлар тайёрлаш курслари ишлаб турибди. М. Янгибоев, К. Иброҳимов, Й. Уринбоевларнинг хабарларида шу ҳақда гап боради. Охунбобоев районидаги Охунбобоев номли колхоздан С. Обиджонов юборган конверт очилганда Крупская номли ўрта мактабда кечки ёшлар ўнинчи синфи иш бошлагани маълум бўлди.

— Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш ҳақида гап борганда, — дейди олтинкўллик М. Раҳимов, — алоқа идораларини четлаб ўтиб бўлмайди. Алоқа ходимлари яхши ишласа, газета-журналлар, хатлар, пенсия пули, кўпболалик оналарга берилаётган давлат нафақаси эгаларига вақтида етказиб берилади, оворагарчилик, шикоятга ўрин қолмайди. Андижон районида янги «Серго», «Большевик», «Бўстон» ва бошқа алоқа бўлимларининг очилиши меҳнаткашларнинг дилини хушнуд қилди.

Янги йилнинг дастлабки кунларидаги хатларнинг бир қисмида жойларда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги камчиликлар юз-хотир қилмасдан очиб ташланади.

— Китоб олтин фондимиз, кутубхона китобхонлар макони, — дейди ромитонлик Т. Шомуродов «Доим қулф» сарлавҳали мақоласида. Сепата қишлоқ Совети ҳузуридаги кутубхона каттагина китоб фондига эга. Бироқ унинг эшикларини очиб хонани шамоллатадиган, хазинадан китобхонларни баҳраманд қиладиган кутубхоначи йўқ. Тўғри, кутубхона мудири М. Самадова ҳар ойда маошни канда қилмай олиб туради. Аммо кутубхонага камдан-кам келади. Бу ҳақда қишлоқ Советининг раиси Д. Бобоевга шикоят қилсак, «Нима қилай, сенларнинг шикоятингга қулоқ солиб, келиним М. Самадовани жазолайми?» дейди. Ахир, бу инсофданми? Китоб, газета-журналлар халқ учун нашр этилади, улардан халқ фойдаланиши керак. Янгиқўрғонлик Ж. Низомов, тўрткўллик Б. Ҳожиев, фарғоналик Ф. Расулев ҳам бу фикрни қувватлайдилар.

Ишдан қайтгач ё овқатланиб, ёки китоб ўқиб турганингизда чироқ ўчиб қолса, асабингиз бузилади, албатта. Аммо Наманган, Марғилон, Қўқон шаҳарларининг кўпчилик маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли бунга кўникиб қолди. Гап шундаки, электростанция бир меъёрда ишлайди. Лекин куйган лампочкани алмаштиришга магазинларда лампочка топилмайди. Базаларда лампочка йўқми? Тўлиб-тошиб ётибди. Фақат айрим савдо ташкилотларининг раҳбарлари лампочка билан савдо қилишни яхшилашга етарли эътибор бермаяпти. Андижонлик Б. Маҳмудов, шўрчилик Т. Қулаҳмедов, нарпайлик Т. Эсонов, олтиариқлик Э. Долимовлар бизни Ильич нуридан бенасиб қилаётган ношуд раҳбарларнинг чироғи ўчсин деб ёзибди.

Қаламкашлардан каттақўрғонлик Я. Элмуродов «Каттақўрғон» совхози ишчиларига икки йилдан буён кино кўрсатилмай келаётгани, ишчилар комитетининг раиси Н. Музаффаров ўз вазифасига совуққонлик билан қараётганини ачиниш билан ёзса, шу районидаги «Ленинизм» колхозидан мақола юборган бир группа колхозчилар бу ерда аҳвол бундан ҳам ёмонлигини баён этадилар.

Янги йилнинг саноқли кунлари ўтди. Ҳозирдан бошлаб ўтган йили содир бўлган камчилик ва нуқсонларнинг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўрайлик.

Ҳар тўғрида бир шингил

◆ Сурхондарё областининг район марказларида 7 та янги дорихона ишга туширилди. «Сайроб» совхозида, Шеробод бошқармасидаги «XXII партсъезд» колхозида, Шеробод совхозида, Денов бошқармасидаги Ульянов номли колхоз марказида ҳам янги дорихона бинолари қурилмоқда.

Т. СУВОНОВ.

◆ Андижон районидаги колхозларда кўплаб уй-жой, жамоат бинолари қад кўтармоқда. Ўтган йили биргина «Ленинград» колхозида 20 дан ортиқ хонадон янги типда қурилган уйларга кўчиб ўтди.

Р. КАРИМОВ.

◆ Почтальон Жуманиёз Машариповнинг номини Урганч шаҳрида кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. У 30 йилдан буён шаҳар алоқа бўлимида ишлайди. У пенсия, нафақаларни, газета ва журналларни ўз вақтида эгаларида етказиб бериб, уларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Ж. Машарипов кўп йиллик ҳалол хизматлари учун республика алоқа министрлиги ва область алоқа бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча марта мукофотланган.

А. ЭШМАТОВ.



Тошкент шаҳар маданият уйида турли хил тўгараклар ишлаб турибди. Суратда: бичиш-тикиш тўгарагининг аъзоларидан Ш. Мавлонова ва М. Рихсиева ўртоқлар машғулот пайтида.

И. Глауберзон фотоси.

100 СИГИРДАН 100 БУЗОҚ

Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги «Каттақўрғон» совхозининг ўртоқ Марди Йўлдошев бошчилик қилаётган фермасида сигирлар парвариши яхши уюштирилган. Шунинг учун ҳам ферма бўйича 100 сигирдан пландаги 80 ўрнига 100 тадан бузоқ олинди.

Бузоқлар яхши боқилаётганлиги туфайли бир суткада 400-500 грамм семирмоқда.

М. ҚОБИЛОВ.

В. В. ГРИШИН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ГАПИРДИ

СССР Олий Советининг депутати, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, ВЦСПС раиси В. В. Гришин 7 январда СССР Марказий телевидениеси орқали гапирди. У, СССР Олий Совети делегациясининг ўзи бош бўлиб Грецияга қилган сафари тўғрисида, Греция парламентининг аъзолари билан бўлган учрашувлар ҳақида, грек халқи делегацияни хурсандлик ва меҳмондўстлик билан кутиб олганлиги тўғрисида гапириб берди. (ТАСС).

14 март — Озарбайжон ССР маҳаллий Советларига сайловлар куни

БОКУ, 7 январь. (ТАСС). Меҳнаткашлар депутатлари область (тоғли — Қорабоғ автоном области), район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка советларининг ваколатлари 1965 йил 17 мартда тугаши муносабати билан бугун Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми Фармон чиқариб, 1965 йил 14 март — якшанба кунини республика меҳнаткашлари депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ўтказиладиган кун қилиб тайинлади.

Янгийўл кондитер фабрикаси Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг янги, пешқадам корхоналаридан биридир. Суратда ана шу фабриканинг илғор ишчиларидан бир гуруҳи (пастдан юқорига): Л. Малашкова, Н. Спиван, Г. Маҳмудова ва бригада бошлиғи А. Жданова ўртоқлар. Улар мармелад цехининг илғор ишчиларидир.

И. Глауберзон фотоси.

МЎМИЁ

Бундан бир неча йил муқаддам Бухоро шаҳрига сафар вақтида Абу Али ибн-Сино номли кутубхонада Аристотель, Беруний, Муҳаммад Ҳусайнул Алави, Саид Муҳаммад Ҳусанхон ва бошқаларнинг ўзбек, тожик, форс, араб тилларидаги қўл ёзмаларини кўздан кечираётганда мўмиёиасл, унинг турли суяк касалликларини даволашда малҳам бўлиши ҳақида кўпгина қизиқарли фикрларни ўқидик.

Мўмиёиасл ҳақида кекса кишилардан ҳам анча қизиқарли гаплар эшитганмиз. Улар Урта Осиё тоғларида, хусусан, Зарафшон, Туркистон, Чотқол, Тибет, Копетдоғ, Помир-Олой тоғларида мўмиёиасл бор, деб айтишарди. Лекин уни қаердан ва қайси усул билан олиш билан ҳеч ким шуғулланмаган.

Мўмиёаслни қидириб топиш ва уни атрофлича ўрганиш мақсадида 1956 йилда Бўстонлиқ районидаги ва Уш областидаги Чотқол тоғларига биринчи марта экспедиция уюштирилди. Ун кунлик сафар вақтида тоғ ёриқларини, ғорларни синчиклаб текшириб чиқдик. Ниҳоят мўмиёаслнинг конини топдик. У тош ёриғидан узум шиннинси каби томчилаб турарди, бир қисми тоғ жинслари билан қоришиб асфальтдек қотиб қолган. Рангги қора, қорасариқ, баъзилари тим қора. Хамирдек юмшоқ, ҳиди тахминан арча ёки нефтнинг ҳидига ўхшаш, мазаси тахир.

Мўмиё асл ҳолига келтириш учун махсус асбобда сувда эритилди. Қайта-қайта тиндирилиб, қиём бўлгунча қайнатилди. Ҳосил бўлган тоза мўмиёаслни чинни идишда сақлаб қўйдик. Узбекистон геологлари иштирокида 1963 йилда иккинчи экспедиция уюштирилди. Бу сафар 150 грамм мўмиё олишга муваффақ бўлинди. 1964 йилнинг ёзида эса 3 килограммдан кўп мўмиёасл топилди. Замонавий техника янада кўпроқ қўлланилса ва геологларимиз тағин ҳам ғайрат қилишса юқорида айтилган тоғлардан ўнларча килограмм мўмиё олиш мумкин.

Мўмиёнинг таъсири Узбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида ит, қуён ва сичқон каби ҳайвонлар организмида синаб кўрилди. Тажриба яхши натижа берди. Ҳайвонларнинг синган суяклари анча тез битиб кетди.

Узбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг илмий ходимлари билан биргаликда олиб борилган бошқа бир кузатишда мўмиёаслнинг мураккаб химиявий составга эга эканлиги, унда 25 га яқин микроэлемент, айниқса, суяк жинсига кирадиган элементлар борлиги аниқланди. Бу ҳол мўмиёаслни бебаҳо модда эканлигидан яна бир далолат беради.

Ҳайвонлар организмида олиб борилган бир қатор тажрибалардан шундай хулоса келиб чиқадики, мўмиё ҳақиқатан ҳам синган суякларнинг тез битишида энг яхши дори-дармондир.

Мўмиё халқ саломатлигини тиклашга, инсонга хизмат қилади.

А. ШОКИРОВ,
медицина фанлари кандидати.

ЯНГИ МАГАЗИНЛАРГА МАРҲАМАТ!

Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасининг қўли гул каштачиларидан Фарида Усмонова ва Рихсихон Юнусхўжаева ўртоқлар янги йилда янада унумлироқ ишлашмоқда. Фотомухбиримиз А. Тўраев олган суратда ана шу чевар ишчиларни кўриб турибсиз.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Ф. Х. Мазитов Чуқурсой бозори тугатилганлиги тўғрисидаги хабарни билдириши билан кимдир:

— Текинхўрларнинг таноби қирқилибди-да, — деб луқма ташлади.

Бу луқма бежиз айтилмади. Бир воқеани ҳикоя қилиб берсак, масала янада ойдинлашади:

Юқори Чирчиқ районидан Ҳалима хола билан Миробид, Тоғаймурод ака келинларига сарпо, бола-чақаларига кийим-кечак олгани Чуқурсой бозорига келишибди.

— Сизга нима керак, — деб сўрабди бир киши улар ҳали бозорга кирмасданоқ.

— Келинга сарпо, болаларга кийим-кечак...

— Э, бу молларни магазиндан топиб бўлмайди. Ҳаммасини сизларга ўзим топиб бераман, — дебди ҳалиги киши.

Қишлоқдан келганлар бир оз шошиб қолишди. Чопон, махси, дўппи қўлтиқлаган хотинлар, забардаст йигитлар уларни ўраб олиб, молларини мақтайди. Харидорлар йўқ деб кўрсин-чи! Асло, йўқ дея олмайди-да! Ахир, орада даллол вайсаб турибди. Содда харидорлар истаган нарсаларини икки марта кимматга олиб уйларига қайтишди. Энди, бу ёғини эшитинг: олинган моллар бир ҳафта ўтмай, тоб ташлади.

— Олган молларимнинг ҳаммаси бўлб қўйилган экан, ўтдек куйдим, келинимдан уялганимни айтмайсизми, — деса биринчиси, қизга юборган сарполарни кўрган қуданинг энсаси қотди, дейди иккинчиси...

Узоқ вақтлардан буён текинхўрларнинг макони бўлиб келган Чуқурсой бозори тугатилди. Шундай қилиб, Тошкент шаҳар ижроия комитети меҳнаткашларнинг ҳақли талабини қондирди.

Тошкент шаҳар мол харид қилиш пункти қустарь моллар билан савдо қилувчи кишиларнинг молини, шунингдек, нархи тушган саноат молларини қабул қилиб олдиган магазинлар ташкил қилди. Энди аҳоли бу магазинлардан истаган миқдорда ва истаган молларни ҳамма вақт сотиб олиши мумкин.

Октябрь бозорида нархи 50 процент туширилган молларни қабул қилувчи учта магазин, шунингдек радио ва мебель товарлари оладиган яна бир магазин очилди. Олой бозорида баҳоси 50 процент туширилган тўртта саноат моллари сотадиган магазин очилди. Бу бозорда яна баҳоси арзонлашган оёқ ва уст кийим магазини ҳам ишлайди. 1 Май бозорида 50 процентдан кам баҳоланган молларни қабул қиладиган иккита магазин ишлайди. Бундай магазинлар Бешёғоч, Туркман ва Паркент бозорларида ҳам бор. Карл Маркс кўчасидаги болалар кийими сотадиган магазинда баҳоси арзонлашган саноат моллари сотилмоқда.

Янги магазинлар 6 миллион сўмлик саноат моллари билан таъминланди.

И. РАҲМАТОВ.

ДРУЖИНАЧИНИНГ МАРДЛИГИ

СССР Олий Совети Президиуми кўнгилли халқ дружинаси командири Михаил Михайлович Родькинни жамоат олдидаги бурчини бажаришда кўрсатган фидокорона ҳаракатлари ва мардлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлади.

* * *

...Челябинск областининг Сосновский районидаги Митрофановси посёлкасида номаълум уч киши магазин эшигини бузиб, қимматли товарларни ўғирламоқчи бўлишди. Жамоат тартибини қўриқлаш халқ кўнгилли дружинасининг командири, шу жойдаги совхознинг киномеханиги Михаил Михайлович Родькин жиноятчилар ҳаракатини кўриб қолди. У, ёлғиз ўзи жиноятчилар билан олишди, аммо кучлар тенг бўлмаган бу курашда ваҳшийларча ўлдирилди. Ердамга етиб келган гражданлар талончилардан бирини ушладилар. Тез орада яна иккита жиноятчи ҳам қамоққа олинди.

М. М. Родькин оддий дружиначи сифатида илгари ҳам жамоат тартибини бузувчиларга қарши — бандитлар, безорилар ва текинхўрларга қарши дадиллик билан курашиб келган эди. У шахсан ўзи икки марта магазинлар талонишининг олдини олди, жиноятчиларни қўлга туширди. М. М. Родькин жамоат тартибини сақлашга актив қатнашганлиги учун бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган эди.

(ТАСС).

ФЕЛЬЕТОН

ЮРАК ЎЙНОҒИ

Лоф уриб мақтанишни ёмон кўраман. Ие, кечирасиз таниши олмасдан сайраб кетибман: каминалари пойтахтнинг қоқ биқинида, машҳур тўқимачилик комбинатининг ёнбошида жойлашган катта ҳамда ҳашаматли 35-магазиннинг директори Сайфи Асомов бўладилар.

Ҳар ҳолда кимлигимни оз бўлса-да, тасаввур қилган бўлишингиз лозим. Мени республикада яхши танишмаса-да, Тошкентда яхшими, ёмонми, ҳар ҳолда ном чиқарганман, ҳа, савдо системасининг ёғлиқ-ёғлиқ жойларига яшин тезлигида, осонлик билан жойлашиб олишдек чаққонлигим билан ном чиқарганман.

Ҳозир ишлаб турган магазинимда тирикчилигим ўтиб турувди. «Тирикчилик» деган сўзнинг туб маъносига етмаган бўлсангиз керак. «Тирикчилик» учунгина тарозидан уриш-у, сортларни аралаштиришни ёш шоввозларимга куйиб-пишиб ўргатишдан кўра, бошқа магазинларда топган мўмай пулларимни белимга тугиб, маишат қилиб юрганим минг марта афзал. Энди, асл мақсадимга тушунган бўлсангиз керак. Чўнтакнинг қаппайишининг мазаси кетиб, магазиндан бошқа дурустроқ ерга секин силжий деб турганимда бирдан автобус станцияси магазинимнинг рўпарасига кўчиб келса бўладими! Ҳовлиқканимдан «шу станцияни шу ерга кўчирганнинг авлодаждодига раҳмат», деб қичқириб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Хурсандлигимдан шу ерда яна бир-икки йил ишлаб, ўн-ўн беш йиллигимни ғамлаб оламан, деб «бошлиқларим»ни хотиржам қилиб қўйдим.

Автобус станцияси қизиқ экан: бирига у зарур, бирига бу зарур бўлиб қолиб, бири зерикиб, яна бири қишлоққа бола-чақасига совға олиш ниятида магазинга кираверар экан. Савдо авжига чиқиб, сотувчиларнинг қўлиқўлига тегмайдиган бўлиб қолди. Бир-иккита сотувчимнинг қўрқоқлигини билиб, дарҳол мажлис чақирдим. Президиум сайлашга сабрим чидамай, айтиб қўя қолдим:

— Ишонган тоғингиз бор. Бу тоғ менинг ўзим бўламан. Менга суянинглар, ҳеч нарсадан тап тортманглар. Тарозидан уришни, устига озгина нарх қўйиб юборишни, сортини алмаштиришни, қайтариқдан қайтариб қолишни, нимани бўлса қилаверинглар. ОБХСС, савдо инспекцияси, дружиначилар ҳаммаси дўстим, ҳаммаси оғайним. Хуллас, қўлга тушишдан тап тортманглар.

Бу илҳомбахш сўздан илҳомланиб кетган ходимларим ишга чунон берилиб кетдиларки, чўнтакларим пулга қаппайиб кетганидан рўмолчамни қўлда қўтариб юрадиган бўлиб қолдим.

Сотувчилардан унча хурсанд эмасман. Лекин, юрган йўлимда колбаса билан сариёғни ўйлаб чиқарганга офарин деб юраман. Ҳа, сиз мени колбаса билан сариёғни яхши кўради, деб ўйлаган бўлсангиз керак. Ҳеч-да! Мен аччиқроқ нарсаларни яхши кўраман. Гап колбаса билан сариёғнинг сортларини алмаштириб юбориш ҳақида борянти. 3 сўм 20 тийинлик ёғ доим 3 сўм 50 тийиндан, 1 сўм 60 тийинлик колбаса доим 2 сўм 10 тийиндан сотиладергач, менинг остонам тилладан бўлмай, сизники бўлсинми? Гапимга ишонмаяпсизми? Акс ҳолда, милиция бўлими ва давлат инспекцияси ходимларидан сўранг. Улар ҳар гал текширишганда сортлар алмаштириб юборилганига акт тузишади... Ҳа, акт тузишади-ю, бундан бу ёғига ўтишолмайди. Очигини айтсам, бир-иккита дўстим жонимга ора кириб қолади. Яқинда шаҳар милиция бошқармаси магазинимни илма-тешик қилиб юборгани ёмон бўлди-да. Бунинг устига, сортларни аралаштириб юборганимиз тўла исботланди. Ҳар бир шиша ароқдан 16 тийиндан уриб қолаётганимни, савдода бўлмаган ажойиб моллар складда чанг босиб ётганини гапириб ҳам ўтирмайман. Чунки, бунисидан ҳавотирим кам. Шундай бўлса-да, ҳозир юрак ҳовучлаб юрибман.

Энди осойлик билан топилаётган мўмай пулларни қаёққа қўйяпсан, дерсиз. Чилонзор район Илғор кўчасидаги 79-уй биз каминаларига қарайди. Аслида бу уй эмас, қаср. Маҳалламизда катта-катта маош оладиган инженер, техник, токарь, олим, врач, педагоглар бор. Лекин, бирontасининг участкаси аканг қарагайнинг қасрига ўхшамайди, ўхшамайди эмас, яқинлаша олмайди ҳам. Биттагина банкет залимнинг ўзида 50 кишига зиёфат берса бўлади. Ҳа, шундай! Ишонмасангиз ўзларингиз бир келиб кўришингиз мумкин.

Айрим вақтларда қоқ саҳарда юрагим шопирилиб ҳовлиқиб кетади. Нзаримда текшир-текшир ҳозир, шу тунда бошланиб кетаётгандек. Ахир, пул, мол-мулкни яширса бўлар, аммо қасримнички? Ичимга ютиб юборолмасам, ошна-оғайнимникига бир-икки ойга элтиб қўя олмасам! Бунинг устига, маошимдан орттириб қаср солганман дея олмасам? Деганимда ҳам «мулла йигит, жинни бўлиб қолибсиз», дейишлари турган гап. Сиздан яширадиган сирим йўқ: биттагина эскироқ машинам бор, бировнинг номида, бу ёғидан тинчман, тонишим осон, қутулиб кетаман.

Бир ёмон туш кўрганимдан бери юрагим қаттиқроқ ўйнайдиган бўлиб қолди. «Давр келди, сур бегим», деганларидек, биттагина ҳаворанг «Волга» олиб, шунинг рулини бир марта бўлса ҳамки ушлаш иштиёқида юрувдим. Эртаю кеч қалбим шунинг ишқи билан банд эди. Куни кеча 6.000 сўмга яп-янги ҳаворанг «Волга»ни эндигина уйга олиб киришим биланоқ иккита милиционер пайдо бўлди-ю, рулдаги қўлимни орқага қайиришди:

— Текин даромад ҳисобига қурилган қасрингиз боғчага, ўғирлик ҳисобига олинган «Волга»нгиз яслига ўтказилди, — деса бўладими!

Бўлар экан! Қичқириб, кўзимни чирт юмиб, қайта очсам тушим экан. Кўкрагимга тўфладим, «Волга» олмай, тўғриз қоп, деб ўзимни роса қойидим.

Шу-шу кўча-кўйда биронта ҳаворанг «Волга»га кўзим тушиб қолса, оёқ-қўлим бўшашиб, кўзимга иккита милиционер кўринииб кетаверади.

Ҳа, дўстим гаплар шундай! Бу ўртамиздаги сир! Сир бўлганда ҳам махфий сир. Яна бу сиримни биронтасига айта кўрманг, жон дўстим, устимдан жиноий иш қўзғатилиши нақд турган гап. Ўзи шуларсиз ҳам шаҳар милиция бошқармаси ходимларининг олди-қўйдиси билан очилган дело анча қаппайиб қолган.

Сайфи Асомович, қўрқманг, сиригизни бирон кишига айтиб сизни юрак ўйноғи қилиб қўймоқчи эмасмиз.

Кўрдингизми, ваъдамизни бажардик: сиригизни бирон кишига айтмай, қоғозга чизиб қўя қолдик...

В. МАҲКАМОВ,
Р. ИСҲОҚОВ.

1820 ГРАММЛИК КАРТОШКА

Смоленск область, Вязьма районидаги «Краснянский» совхозида ҳамда Брянскдаги селекция станциясида ажойиб картошка навлари етиштирилганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб жуда хурсанд бўлган эдик. Эндиликда ана шу хўжаликларда етиштирилган картошкадан ҳам йириқроқ картошка ўзимизда топилиб қолди.

Чимбой районидаги «Маёб» шоликорлик совхозида петиқомат қилувчи 80 ёшли Цой Ян-гук картошка қазиётиб, ўз участкадан жуда йирик картошка чиқа бошлади. Унинг бир донаси ўлчаб кўрилганда 1820 грамм келди. Бу — мамлакатда энг йирик картошка ҳисобланади. Чунки у «Краснянский» совхозида етиштирилган картошкадан 520 грамм ва Брянскдагидан эса 140 грамм оғирдир.

Бу Қорақалпоғистон АССР территориясида ана шундай картошка навини кўплаб етиштириш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатади.

Е. КАРАКУЛОВА.

МУШУКЛАР «САФАР»ДАН ҚОЛДИ

Боньявил оролида сичқонлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Бундан таҳликага тушган орол губернатори Австралия ҳукуматига мурожаат қилиб, икки мингта мушук юборишни илтимос қилди. Акс ҳолда сичқонлар оролнинг ҳамма бурчакларидаги омборхона, уйларни «қамал» қилиши мумкин эди.

Ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамияти аъзолари Австралиядан юборилган мушуклар Боньявил оролида сичқонлар тамом бўлгач, мушукларнинг ҳоли нима кечади, деган мулоҳаза губернаторнинг илтимосини рад этдилар. Оролда сичқонлар «ҳукмронлиги» давом этмоқда...

АВТОМАТ «АРСЛОНЛАР»

Ҳайвонот боғидаги арслон, маймун ва бошқа ҳайвонлар томошабинлар истаган пайтида овоз чиқармайди. Кейптаун ҳайвонот боғининг ходимлари боғдаги ҳайвонлар турган хоналарда автоматлар ўрнатдилар. Автоматга танга ташласангиз ундан ҳар хил ҳайвонларнинг товуши чиқади. Бу товушлар магнитофон лентасига ёзиб олинган.

САРИМСОҚХЎРЛАР

Франциядаги Арлё қишлоғида асосан саримсоқ етиштирилади. Бу ерда ҳар йили саримсоқ байрами ўтказилади. Бу йилги байрамда саримсоқхўрлар мусобақаси ўтказилди. Энг кўп саримсоқ еб, мусобақада ғолиб чиққан чемпионга бир йилга етадиган миқдорда саримсоқ мукофотга берилди.

«Вокруг света» журналидан.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПАРТИЗАНЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ, 7 январь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Озодлик агентлигининг Вьетнам Демократик Республикаси марказий газеталарида бугун эълон қилинган баёнотида хабар қилинишича, ўтган йил мобайнида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари қўғирчоқ ҳукуматнинг 230 минг солдатини ўлдирганлар, яradор қилганлар ва асир олганлар. Бу эса 1963 йилдагига нисбатан 63 минг киши кўпдир. Шунингдек, қўғирчоқ армияси техника жиҳатидан ҳам жуда катта талафотга учради. Ўтган йилда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари, 17,5 мингта ҳар хил қурол-яроғ, шу жумладан ўйрик калибрли тўртта замбарак, 28 та ўрта ва қичик калибрли тўплар, 139 та миномёт, 141 та стационкли пулемёт ва 635 та рота пулемётини ўлжа қилиб олдилар. Ўтган йил мобайнида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 2.111 американкини сафдан чиқардилар.

Ўтган йилда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душманнинг 542 самолётини, шу жумладан «Б-57» типидаги 21 та реактив бомбардимончи самолётини ва битта «У-2» разведкачи самолётини уриб туширдилар ва шикастладилар, ҳар хил типдаги 992 та ҳарбий юк машинасини ишдан чиқардилар ёки шикастладилар, 292 та ҳарбий кема ва катерини, шу жумладан 15 минг тонна ҳажмидаги «Кадор» авианосини ғарқ қилдилар ва шикастладилар.

АМЕРИКА СЕНАТОРЛАРИНИНГ ФИКРИ

ВАШИНГТОН, 7 январь. (ТАСС). АП агентлиги АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги сиёсати тўғрисида Америка сенаторларига савол берган эди. Бу саволга берилган жавоблар сенаторларнинг кўпчилиги урушнинг боришидан ҳам, Қўшма Штатлар ҳукуматининг халққа душман бўлган Сайгон режимини қутқазиб қолиш учун кўраётган чораларидан ҳам норози эканлигини кўрсатди. Сенаторларнинг баъзилари Қўшма Штатлар Жанубий Вьетнам проблемасини бартараф қилмоқ учун музокаралар бошласин ёки Жанубий Вьетнамдан чиқиб кетсин, деб таклиф қилдилар.

Сенатдаги демократлар раҳбари Мэнсфилд Қўшма Штатлар Жанубий Вьетнамни бетараф мамлакатга айлантириш тўғрисида музокаралар бошлаши керак, деди.

Сенатор Эллендер (демократ, Луизиана штати) қуйидагиларни айтди: «Биз ҳеч қандай шарт ва писанда қўймай Жанубий Вьетнамдан чиқиб кетишимиз кераклигига амиман, чунки Жанубий Вьетнамда барқарор ҳукумат йўқ ва бутун мамлакатда бош-бошдоқлик ва тартибсизлик ҳукм сурмоқда».

Демократ сенатор Робертсон (Биржиния) бундай деди: «Мен Жанубий Вьетнам масаласини бу мамлакатни бетараф мамлакатга айлантириш ёки Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш йўли билан ҳал этишни маъқуллар эдим».

ЖИДДИЙ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ВАЗИЯТИДА

БОННН. (ТАСС). Ғарбий Германия канцлери Эрхарднинг Франция президенти де Голль билан учрашмоқ учун Парижга бориши унинг янги йилдаги биринчи визити бўлади, деб бу ерда расмий суратда эълон қилинди. Бу визит 19-20 январда ўтказилади. Эрхард Англия бош министри Вильсоннинг Боннга қиладиган визитидан олдин Парижга боради.

Де Голль Эрхард билан сўнгги марта ўтган йилнинг июль ойида Боннда учраш ган эди. Бу учрашув Франция билан Германия Федератив Республикаси ўртасида жиддий ихтилофлар борлигини кўрсатди.

Сиёсий кузатувчиларнинг айтишларича, Бонн билан Париж ўртасидаги муносабатлар кейинги ярим йил ичида янада ёмонлашган. Улар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий проблемаларга тааллуқли жиддий ихтилофлар ҳали ҳам мавжуддир. Жумладан, «Индустри-курир» газетасининг фикрича, Париж НАТОнинг кўп томонли ядро кучларида Германия Федератив Республикасининг иштирок қилиши Франциянинг «Европа сиёсий бирлашмаси»га нисбатан тутган позициясига «сира ҳам тўғри келмайди» деб ҳисобламоқда.

Г. Папандреу: Сиёсий йўл ўзгармайди

АФИНА, 7 январь. (ТАСС). Греция ҳукуматининг янги беш аъзоси король Константин ҳузурида қасам. ёд қилди.

Қасамёд қилиш маросими ўтказилганидан кейин Греция бош министри Г. Папандреу матбуот вакилларига берган баёнотида ҳукуматнинг сиёсий йўли ўзгармай қолади, деб таъкидлади.

Африканинг ёш давлатларидан Дагомея Республикаси 1960 йилда мустақилликка эришган эди. Ҳозир унинг аҳолиси 2 миллиондан ошиб кетди. Суратда: республиканинг маркази Порто Ново кўчаси.

ТАСС фотохроникаси.

Югославия ҳукуматининг қарори

БЕЛГРАД. (ТАСС). Югославия Социалистик Федератив Республикаси ҳукумати Леопольдвилдаги ўз элчихонаси ходимларини чақириб олишга қарор қилди.

Конгонинг ҳозирги ҳукумати билан нормал муносабатларда бўлиш иложи қолмаганлиги сабабли шундай қарорга келинди.

ЯНГИ ИҒВОГАРЛИК

ХАНОЙ. 6 январь соат 1 дан 15 минут ўтганида Қўшма Штатлар ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқларининг уч ҳарбий кемаси Шимолий Вьетнам территориясида Ха-Тинь ва Куанг-Бинь вилоятлари ўртасидаги Мўй-Док районини ўққа тутди. Вьетнам халқ армияси-нинг бўлинмалари ўққа тутганидан кейин бу кемалар қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.

Қўшма Штатлар кейинги уч кун ичида бу билан Вьетнам Демократик Республикасига қарши иккинчи марта иғвогарлик қилдилар. Биринчи иғвогарлик 3 январь кечаси бўлган эди. АҚШнинг ҳарбий кемалари Винь-Линь районидаги Винь-Тхак қишлоғини ўққа тутган эдилар.

(ТАСС).

РАСК АХБОРОТИ

ВАШИНГТОН, 7 январь. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Раск АҚШнинг ташқи сиёсат соҳасидаги проблемалари тўғрисида кеча ўч соат мобайнида вакиллар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг аъзоларига ахборот берди. Комиссиянинг мажлиси ёпиқ ўтказилди. Мажлис тамом бўлганидан кейин Раск СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан яқинда қилган суҳбатлари тўғрисида, НАТО кенгашининг Париж сессияси ҳақида ва Жанубий Вьетнамдаги аҳвол тўғрисида конгресс аъзоларига сўзлаб берганлигини айтди.

СИНФИЙ ЖАНГЛАР

АҚШ

АҚШ меҳнат министрлигининг маълумотларига қараганда, 1964 йилда Американинг турли корхоналарида 1,6 миллион киши, яъни 1963 йилдагига нисбатан 650 мингдан кўпроқ киши иш ташлаган. Энг катта забастовкалар автомобиль, кўмир ва қоғоз саноатида, темир йўл транспортида ва савдо флотида бўлди.

«Жнерал моторс» корхоналарида бўлган энг катта забастовкада 250 минг киши қатнашди.

ИТАЛИЯ

Карабинерлар ва полиция отрядлари Римдаги «Милатекс» йигирув фабрикасининг ишчилари ва хизматчиларига қарши сафарбар қилинди. Ишчилар одамларнинг кўплаб ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириш юзасидан фабрика биносини ишғол қилган эдилар. Ана шу отрядлар бу бинони зўрлик билан эгалладилар.

«Милатекс» фабрикасининг ҳовлисидан ҳайдаб чиқарилган меҳнаткашлар намойиш ўтказдилар. Улар «Меҳнат қилиш ҳуқуқи берилишини талаб қиламиз!», «Ишдан бўшатиш тўхатилсин!» деган шиорлар билан Рим кўчаларидан ўтдилар.

БЕЛЬГИЯ

Меҳнат ҳақининг оширилишини талаб қилаётган Антверпен докерларининг забастовкаси бир ҳафтадан буён давом этмоқда. Жуда катта портдаги ишлар тўхтаб қолди, 200 дан кўпроқ немадаги юклар бўшатиб олинмади. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар кунги забастовка 12 миллион франк зарар етказмоқда. 6 январда камида 11 минг киши ишга чиқмади. Бельгия бош министри Лефевр портдаги аҳволни муҳокама қилмоқ учун кенгаш чақирди. (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● *Гавр портида Гаванага жўнаб кетадиган кемага Франциянинг икки локомотиви ва бир неча юк автомобили ортилди. Ҳар иккала мамлакат ўртасида тузилган битимга мувофиқ январь—апрель ойларида яна йигирма саккизта локомотив Кубага етказиб берилади.*

● *Англия мудофаа министрининг ўринбосари ва армия ишлари бўйича мудофаа давлат министри Фред Малли Малайзия пойтахтига келди. Ана шу визит муносабати билан инглиз қўшинлари, самолётлари ва ҳарбий кемалари Шарқи-Жанубий Осиё районига ҳали ҳам юборилаётганлиги ва жумладан Сингапур базасида инглиз қўшинлари сонининг кўпайтирилаётганлиги эътиборни жалб этмоқда.*

● *Францияда товарларга талаб яна камая бошлади. Бу ҳол саноат ишлаб чиқаришига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш 1963 йилнинг октябридан 1964 йилнинг октябригача 20 процент камайди; газлама ишлаб чиқариш 1964 йилнинг май ойидан октябрь ойигача олти процент қисқарди. Сенон шаҳридаги (Вогези департаменти) бир неча тўқимачилик корхонаси 1 январдан бошлаб 32-36 соатлик иш ҳафтасига ўтади. Шу муносабат билан иш ҳақи ҳам камаяди. (ТАСС).*

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ❁ ЭЪЛОНЛАР ❁ РЕКЛАМА ❁ ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 ЯНВАРДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Каникул кунларида. Кувноқ минутлар.**

Рус тилида: 12.25 — **Кинофильм,** 12.45 — **Пионерия** (киножурнал), 12.55 — **Ревизор** (кинокомедия).

Ўзбек тилида: 17.00 — **Кинофильм** (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.40 — **Тубсиз** (илмий-оммабоп фильм), 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.15 — **Концерт** (Грузия эстрада усталари ижросида).

Ўзбек тилида: 18.40 — **Истиқбол эгалари** (тележурнал).

Рус тилида: 19.30 — **Киножурнал** ва **Эртага нелинг** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 21.10 — Композитор **Т. Жалилов.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

18.00 — **Мультфильм,** 18.20 — **Инсон ҳаётни ёзади,** 19.00 — **Орбитадасатира, юмор, эстрада, цирк,** 19.40 — **Киноочерк.**

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

20.00 — **Миллионлар университети,** 20.20 — **Телеграммали ҳикоя** (В. Осипов ҳикояси асосида телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Семург,** кечқурун **Пан воевода,** 10/I да кундуз **Доктор Айболит,** кечқурун **Дон-Жуан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Қутлуғ қон,** кечқурун **Сарвқомат дилбарим,** 10/I да кундуз **Сарвқомат дилбарим,** кечқурун **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Тошболта ошиқ,** 10/I да кундуз **Малиновкада тўй,** кечқурун **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров ва Литва цирки «Вильнюс»** артистлари иштирокида **«Циркда арча».** Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

Денгиз мушуги — «МИР», «ДРУЖБА» (1-залда), «СПУТНИК», «ИСКРА», «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 ва 8 да).

Янко — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (кундуз соат 1-10, 3-15 минут ва кеч 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кеч 10 яримда).

Генерал ва дасторгул — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан).

Ёш гвардия (1 ва 2-серия, эрталаб соат 10 да), **Даҳшат** (кундуз 5, кеч 6-45 минут ва 8 яримда) — «ВАТАН».

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радио эшиттириш ва телевидение давлат комитети коллективи старший редактор

Иосиф Зигмундович ЮХНОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Марҳумнинг жасади 9 январь кундуз соат 4 да Радио уйидан олиб чиқилади (Куйбишев кўчаси, 15-уй).

СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗУВ РЕСПУБЛИКА КУРСИ

стенография бўлимига (машинкада ёзувга ўқитиш билан) ва **машинкада ёзув бўлимига** (стенографиясиз)

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар 25 январгача қабул қилинади. Ўқиш 1 февралдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-66, Олмазор кўчаси, 174-уй (Бешёғоч-Беруний майдони, Комсомол кўли ёнида). Ҳар куни эрталаб соат 10 дан кундуз 12 гача ва кундуз 4 дан кеч 7 гача).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64543. № В 6. Р. 01516.